

Мазкур Қоидаларни талқин қилиш ва қўллашда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Томонлар рус тилидаги матнга таянадилар

**«ЎзРТХБ» АЖ да ҲИСОБ-КИТОБ КЛИРИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ЎТКАЗИШ
ҚОИДАЛАРИ**

(“ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2015 йил 11 майдаги 75-сон баённомаси билан тасдиқланган)

Тошкент 2015 йил

I-бўлим. Умумий қоидалар

II-бўлим. Клиринг иштирокчиларига клиринг хизмати кўрсатишни ташкил этиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва уларга қўйиладиган талаблар

III-бўлим. Битимларни таъминлаш ва бажариш тартиби. Клиринг иштирокчиларини биржа битимлари бўйича иқтисодий ночор деб топишнинг шартлари ва жарималарни тўлаш тартиби

IV-бўлим. Биржа хизматларига ҳақ тўлаш тартиби

V-бўлим. Фавқулодда вазиятлар

VI-бўлим. Низоларни ҳал қилиш тартиби ва қўлланиладиган ҳуқуқ

VII-бўлим. Яқуний қоидалар

Иловалар:

1-сон «Оммавий оферта»;

2-сон «Биржа битимлари бўйича «ЎзРТХБ» АЖ ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатиш регламенти».

3-сон «Биржа битимлари бўйича «ЎзРТХБ» АЖ электрон рақамли имзони ишлатиш тартиби»

1. Ушбу “ЎзРТХБ” АЖ да ҳисоб-китоб клиринг операцияларини ўтказиш қоидалари” (бундан буён - Қоидалар) Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва

биржа фаолияти тўғрисида” Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 январдаги 33-сон “Биржа ва кўрғазма-ярмарка савдоларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори билан тасдиқланган Товар-хом ашё биржаларида ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш қоидаларига мувофиқ “ЎзРТХБ” АЖ Ҳисоб-китоб клиринг Палатаси биржа битимлари бўйича клирингни амалга ошириш тартибини белгилайди ва товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдисига оид биржа битимларини амалга ошириш натижасида юзага келадиган тўловларни амалга ошириш ва товарларни етказиб бериш бўйича клиринг иштирокчиларининг мажбуриятларини ҳисобга олиш, белгилаб бериш ва бажариш бўйича муносабатларини тартибга солади.

I-бўлим. Умумий қоидалар

Терминлар ва тушунчалар

2. Мазкур Қоидалар мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги терминлар ва тушунчалар қўлланилади:

аванс тўлови – мижозлар томонидан биржанинг воситачилик йиғимидан иборат пул маблағлари суммаси, шунингдек томонларнинг зақалати;

акцепт – ариза-акцепт оммавий офертага мувофиқ шахснинг “ЎзРТХБ” АЖ Ҳисоб-китоб клиринг палатаси (бундан буён - ХҚКП) томонидан ҳисоб-китоб клиринг бўйича унга кўрсатиладиган хизматлар учун мазкур Қоидаларнинг шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиниши ҳақидаги ариза-акцепти (хабарномаси);

апостиль – ҳужжатни имзолаган шахснинг имзоси ҳақиқийлигини ва ҳужжатни тасдиқлаб берадиган муҳр ёки штампнинг босма изи ҳақиқийлигини тасдиқлайдиган хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (05.10.1961 йилдаги) биноан, расмий ҳужжатга чет элда фойдаланиш мақсадида қўйиладиган махсус штамп;

Арбитраж комиссияси – «ЎзРТХБ» АЖ Арбитраж комиссияси тўғрисидаги Низомга мувофиқ ўз ваколатига киритилган битимлар ва бошқа масалалар юзасидан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқувчи «ЎзРТХБ» АЖ доимий фаолият кўрсатувчи органи;

Биржа – “Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси” акциядорлик жамияти; биржа битими – биржа томонидан рўйхатга олинган, биржа савдосининг биржада қайд этилган натижаси бўйича тузилган биржа товарига доир олди-сотди шартномаси;

биржа товари – дастлабки кўздан кечиришни талаб этмайдиган, сифат кўрсаткичлари ўзгармаслиги ва биржа битимлари мунтазам равишда тузилиши билан тавсифланадиган биржа савдоларига қўйилган муайян турдаги ва сифатдаги товар;

биржа савдолари – биржа томонидан биржа савдолари қоидаларига мувофиқ ташкил этиладиган биржа товари савдолари;

биржа хизматлари – биржа томонидан клиринг иштирокчиларига кўрсатиладиган хизматлар, шу жумладан ҳисоб-китоб клиринг бўйича хизматлар;

брокер – мижоз топшириғи бўйича ва унинг ҳисобидан биржа битимларини тузувчи биржа аъзоси;

пул маблағларини блокировкалаш – битим бўйича сотиб олувчилар ва сотувчилар мажбуриятларининг тўлиқ бажарилишини таъминловчи пул маблағлари ҳаракатини битим ёпилгунга қадар тўхтатиб қўйиш;

битимларни блоклаш – сотувчилар ва сотиб олувчилар томонидан битим бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун низо Арбитраж комиссиясида ҳал этилгунга қадар пул маблағлари ҳаракатини тўхтатиб туриш;

ХҚКП иккиламчи ҳисобварағи - биржага хизмат кўрсатувчи банкда сотиб олувчилар ва сотувчиларнинг маблағларини сақлаш ҳамда битимлар бўйича ҳисоб-

китоблар ўтказиш учун очилган биржанинг талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит иккиламчи ҳисобварақлари;

дилер – биржа битимларини ўз номидан ва ўз ҳисобидан тузувчи биржа аъзоси;

ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатиш тўғрисида шартнома (бундан буён - шартнома) – биржа ҳамда биржанинг ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатиш бўйича оммавий офертасига акцепт йўллаш орқали мазкур Қоидаларга қўшилиш истагини билдирган шахс ўртасида тузиладиган келишув;

закалат - клиринг иштирокчилари амалга оширадиган битимлар бажарилишини қафолатлаш учун улар томонидан ҲҚКПга киритиладиган қафолат таъминоти маблағлари;

ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатиш тўғрисида шартномани тузиш – талабгордан уни клиринг иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган пайтдан кучга кирадиган ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатиш тўғрисида оммавий оферта учун акцепт олиш;

битимни ёпиш – битим бўйича томониларнинг мажбуриятлари тугаш тартиботи;

ЭРИ ёпиқ калити – фақат имзо чекувчи шахс учун маълум бўлган ва электрон ҳужжатда ЭРИ яратиш учун мўлжалланган электрон рақамли имзо воситаларида фойдаланган ҳолда олинган символлар кетма-кетлиги;

фойдаланувчининг индивидуал рақами (бундан буён - ФИР) - клиринг иштирокчисига бериладиган ноёб хос рақам;

биржа аъзоларининг мижозлари - биржа савдоларида биржа товарларини сотадиган ёки сотиб оладиган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари;

клиринг - биржа аъзолари ва уларнинг мижозларининг ўзаро мажбуриятларини белгилаш, аниқлаштириш ва ҳисобга олишга доир операциялар мажмуаси, шунингдек мазкур Қоидалар ва биржа савдоси қоидаларига мувофиқ улар ўртасида амалга ошириладиган ўзаро ҳисоб-китоблар;

клиринг (ҳисоб) регистрлари - битимлар тузиш ва битимлар бўйича мажбуриятларни бажаришга мўлжалланган пул маблағлари қолдиқлари тўғрисида маълумотларни ҳисобга олиш, шунингдек клиринг иштирокчиларининг битимлар бўйича мажбуриятлари ва талаблари ҳисобини юритишда фойдаланиладиган ҲҚКПнинг ички электрон ҳисоб регистрлари;

клиринг сессияси - битимлар бўйича ҳисоб-китобларни ўтказиш ва товарларни етказиб бериш юзасидан мазкур Қоидаларга мувофиқ клирингни амалга ошириш ва реестрни шакллантириш учун ҲҚКПнинг амалиёт куни даври;

воситачилик йиғими - биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар, шу жумладан ҳисоб-китоб клиринг хизматлари учун биржа клиринги иштирокчилари томонидан тасдиқланган тарифлар бўйича тўланадиган пул маблағи суммаси;

контрагент - битим бўйича мажбурият олган ва битимнинг бошқа томонига қарши қўйиладиган тараф - сотиб олувчи сотувчи учун ва сотувчи сотиб олувчи учун;

буюртмалар таъминотининг назорати - савдо сессияси жараёнида келиб тушадиган ҳар бир буюртмани қаноатлантириш учун закалат миқдорининг етарлигини мазкур Қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ клиринг тизими орқали амалга ошириладиган назорат;

шахсий ҳисобварақ - ФИРга мувофиқ клиринг иштирокчиларининг пул маблағлари ҳисобини юритиш учун мўлжалланган ҲҚКП ҳисоб регистрларидаги ёзувлар йиғиндиси;

битим бўйича клиринг иштирокчисининг иқтисодий ночорлиги - мазур Қоидаларга мувофиқ ҲҚКП томонидан тан олинган, клиринг иштирокчиси томонидан битим бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки тўлиқ бажармаслиги (ўз вақтида) бажармаслиги;

акцептни чақириб олиш - мижознинг ҳисоб-китоб клиринг хизматини тугатиш ҳақидаги талаби қўйилган, шартномани бекор қилиш билан тенглаштирилган расмий хати;

сотиб олувчи - савдо сессияси вақтида битимни амалга ошириш учун унинг номидан сотиб олишга буюртма берилган клиринг иштирокчиси;

амалга оширилган тўловга кўра етказиб бериш - клиринг иштирокчилари томонидан ўз мажбуриятларини бажариш тартиби, бунда битим бўйича биржа товари учун сотувчига ўтказиладиган пул маблағлари, ҳисобга олинган етказиб бериш маълумотларига мувофиқ амалга оширилишини ҲККП назорат қилади;

талабгор – клиринг иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтишга талабгорлик қилувчи шахс;

сотувчи - савдо сессияси вақтида битимни амалга ошириш учун номидан сотишга буюртма берилган клиринг иштирокчиси;

оддий клиринг - ҳар бир клиринг иштирокчисининг мажбуриятларини аниқлаш, унинг номидан тузилган ҳар бир битим бўйича кетма-кетликда амалга оширилишини назарда тутувчи клиринг тури;

оммавий оферта - ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатиш бўйича шартнома тузишга Биржа берган таклиф (1-илова);

ҳисоб-китоб клиринг палатаси (ҲККП) - клиринг электрон тизими орқали биржа битимлари (бундан буён - битим) бўйича клиринг, ҳисоб-китоб ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминловчи биржанинг таркибий бўлинмаси;

ҳисоб-китоб клиринг хизмати - клиринг иштирокчиларига биржа битимлари бўйича клиринг иштирокчиларининг мажбуриятлари ва талабларини аниқлаш, солиштириш, ҳисоб юритиш, тугатиш бўйича, шунингдек ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича ҲККП томонидан кўрсатиладиган хизмат;

клиринг иштирокчиларини рўйхатга олиш - мазкур Қоидаларга мувофиқ клиринг иштирокчисига ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатиш учун унга шахсий ҳисобварақни очиш, ФИР бериш ва уни клиринг иштирокчилари реестрига киритиш жараёни;

регламент - ҲККП нинг амалиёт куни жадвалини ўрнатувчи ҳужжат бўлиб, у ҲККП ва клиринг иштирокчиси ўртасидаги ўзига хос муносабатларни, Биржага тақдим этиладиган, мазкур Қоидаларнинг ажралмас қисми бўлган (2-илова) ҳужжатлар намуналари ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаб беради;

тузилган битимлар реестри (ТБР) - имзоланган ва рўйхатга олинган битимлар реестри;

етказиб бериш ҳужжатлари реестри (ЕБҲР) - юклаш санаси ва юкланган биржа товари миқдори кўрсатилган, юклаш амалга оширилган битимлар рўйхати;

тўлов амалга оширилган битимлар реестри (ТАОБР) - тузилган битимлар бўйича сотиб олувчининг ҲККПдаги шахсий ҳисобварағига мажбуриятларни тўлиқ қопланишини таъминловчи пул маблағлари келиб тушган ва сотувчига товарларни етказиб бериш учун асос бўладиган битимлар рўйхати;

клиринг иштирокчилари реестри (КИР) - мазкур Қоидаларга мувофиқ ҲККПда рўйхатга олинган клиринг иштирокчилари рўйхати, у клиринг иштирокчиларининг батафсил реквизитларидан, раҳбар ва унинг лавозими тўғрисида ахборотдан, клиринг иштирокчиси сифатида рўйхатга олинган санадан иборат;

бўш пул маблағлари - ҳар бир клиринг иштирокчисининг пул маблағлари қолдиғи ҳисоби юритиладиган шахсий ҳисобварақда, мазкур Қоидаларга мувофиқ ҲККП томонидан белгиланадиган, Биржа ва контрагентлар талабларидан бўш (блокланмаган) қолдиқ пул маблағлари;

тадбиркорлик фаолияти субъекти - белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва ишлаб чиқариш, савдо фаолиятини амалга оширувчи ёхуд хизмат кўрсатаётган юридик шахс, шунингдек жисмоний шахс - яқка тартибдаги тадбиркор;

савдо майдончаси - савдо иштирокчиларини электрон савдо тармоғига киришини ташкил этиш ва тузилган битимларни рўйхатга олиш фаолиятини амалга оширадиган

Биржанинг алоҳида бўлинмаси ёки Биржа томонидан аккредитация қилинган мустақил юридик шахс;

трейдер - биржа савдоларида биржа аъзоси номидан иштирок этадиган ва биржа битимларини тузишга ваколатли бўлган биржа аъзосининг ходими;

клиринг иштирокчиси - клиринг тизимига акцепт йўллаган ва мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда ҳисоб-китоб клиринг палатасида рўйхатга олинган биржа аъзоси ва/ёки унинг миждози;

филиал - Биржа томонидан ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширадиган Биржанинг алоҳида бўлинмаси;

Биржа аъзоси - брокер ёки дилер;

жарима - битим бўйича клиринг иштирокчиси контрагенти иқтисодий ночор бўлганида ХККП томонидан клиринг иштирокчисининг ҳисобига жарима санкцияси сифатида ўтказиладиган пул маблағи;

клиринг электрон тизими - мазкур Қоидаларга мувофиқ клирингни амалга ошириш учун мўлжалланган дастурий-техник воситалар, маълумотлар базалари, телекоммуникация воситалари ҳамда ХККП дастурий таъминоти йиғиндиси;

электрон рақамли имзо (бундан буён - ЭРИ) - электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо. Биржа битимлари бўйича «ЎзРТХАБ» АЖда электрон рақамли имзони ишлатиш мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

Алоҳида қоидалар

3. Мазкур қоидалар:

клиринг иштирокчиларига қўйиладиган талабларни;

ХККП ва клиринг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини;

битимларни бажариш ва таъминлаш тартибларини;

битимларни ёпиш тартибини белгилаб беради.

Қонунчиликда клиринг амалиётлари ва ҳисоб-китобларнинг бошқа шартлари белгиланган ҳолатда, ХККП ва клиринг иштирокчиларининг мажбуриятларини бажариш ҳамда тарафларнинг мажбуриятларини ижро қилиш кафолати ушбу қоидаларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжат асосида амалга оширилади.

4. Биржада тузилган битимлар бажарилишининг молиявий кафолатларини таъминлаш учун биржа савдоларида тузилган битимлар бўйича ҳисоб-китоблар ХККП орқали амалга оширилади.

ХККП юридик шахс мақомига эга эмас ва мазкур Қоидаларда назарда тутилмаган ҳар қандай мустақил операциялар ва ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқисиз биржа номидан ҳаракат қилади.

5. Мазкур Қоидаларга мувофиқ битимлар бўйича клиринг иштирокчиларининг мажбуриятларини белгилаш оддий клиринг тартибида амалга оширилади.

6. ХККП қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

клиринг иштирокчиларини рўйхатга олади;

клиринг иштирокчиларининг ҳисобварақлари очилиши ва юритилишини таъминлайди;

битимлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ўтказилишини амалга оширади;

ўзаро мажбуриятларни белгилайди, аниқлайди, ҳисобга олади, шунингдек тузилган битимлар бўйича клиринг иштирокчиларининг пул маблағлари ва мажбуриятларини алоҳида ҳисобда юритилишини амалга оширади;

клиринг якунлари бўйича керакли ахборотни шакллантириш ва клиринг иштирокчиларига тақдим қилишни амалга оширади;

клиринг амалга ошириладиган битимлар ҳақидаги ахборот сақланишини таъминлайди ва клиринг натижалари тўғрисидаги ахборотни қонун талабларига мувофиқ сақлайди;

тузилган битимлар бўйича мажбуриятлар бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

кафилонат бадалларининг ҳисобга олинишини таъминлайди.

7. Мазкур Қоидалар, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Биржа бошқаруви томонидан тасдиқланади.

8. Мазкур Қоидаларнинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9. Клиринг иштирокчилари мазкур Қоидаларнинг кучга кирганлиги, унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганлиги ҳақида улар кучга киришидан камида беш кун олдин хабарнома юбориш йўли билан хабардор қилинадилар. Мазкур Қоидаларнинг кучга кирганлиги, шунингдек мазкур Қоидаларга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ҳақидаги хабарнома клиринг иштирокчилари кўрсатган клиринг иштирокчисининг анкетасидаги электрон манзилларга юборилади ёки клиринг иштирокчиларининг шахсий кабинетларида эълон қилинади. Юқорида кўрсатилган хабарномалар юборилган кун мазкур Қоидаларнинг кучга кирганлиги, унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ҳақида клиринг иштирокчилари хабардор қилинган кун деб ҳисобланади.

10. Мазкур Қоидалар, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг кучга кириши ҳақида клиринг иштирокчилари хабардор қилинган кундан кечиктирмасдан, мазкур Қоидалар ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Биржанинг интернетдаги сайтида эълон қилинади.

11. Клиринг иштирокчиси мазкур Қоидаларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлардан норози бўлса, улар кучга киргунига қадар акцептни чақириб олиш тўғрисидаги хатни ХҚКПга йўллаш орқали шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур Қоидаларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар кучга киргунига қадар ХҚКПга акцептни чақириб олиш тўғрисида хатнинг юборилмаганлиги, клиринг иштирокчисининг ушбу ўзгартиришлар ва қўшимчаларга розилигини билдиради.

12. ХҚКП ва клиринг иштирокчиси билан ўзаро муносабатлар клиринг хизмати кўрсатиш шартномаси асосида амалга оширилади.

Мазкур Қоидалар ҳисоб-китоб клиринг хизматида клиринг иштирокчиси сифатида қатнашиш истагида бўлган юридик шахслар ва юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар, резидентлар ва норезидентлар учун оммавий шартнома ҳисобланади.

Мазкур Қоидаларга қўшилиш учун мазкур Қоидалар шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилинганлиги ҳақида ариза-акцепт (оммавий офертага 1-илова ёки 2-илова) ва рўйхатдан ўтиш учун зарур ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим. Ариза-акцепт тақдим этилиши, талабгорни клиринг иштирокчиси сифатида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб кучга кирадиган шартнома тузилганини англатади.

II-бўлим. Клиринг иштирокчиларига клиринг хизмати кўрсатишни ташкил этиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва уларга қўйиладиган талаблар

Клиринг иштирокчиларини ва клиринг хизматини рўйхатга олиш учун талаблар

13. ХҚКП клиринг иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтган ва шартнома тузган шахсларга ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатади. Ҳисоб-китоб клиринг хизмати шартнома амал қилиш муддати давомида кўрсатилади.

14. Клиринг иштирокчиси сифатида юридик шахс бўлган биржа аъзолари ва/ёки уларнинг мижозлари, шу жумладан, хорижий (қонунчиликда белгиланган тартибда),

шунингдек, белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор сифатида юридик шахс ташкил этмасдан (биржа савдоларида харидорлар сифатида) рўйхатга олинган жисмоний шахслар рўйхатдан ўтиши мумкин.

15. Рўйхатдан ўтиш учун резидентлар - юридик шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар томонидан Биржа филиали ёки савдо майдончалари орқали ХҚКПга қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

оммавий офертанинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза- акцепт;

давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси(ЭРИ орқали рўйхатдан ўтганда талаб қилинмайди);

(15-банднинг 3-кичик банди “УзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2020 йил 23 апрельдаги 47-сонли баённомаси таҳририда)

талабгор номидан пул ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолашга ваколатли шахснинг шахсни тасдиқловчи ҳужжати нусхаси (паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат).

Клиринг иштирокчисини рўйхатга олишда акцептни ЭРИ калити орқали тақдим қилиш оммавий оферта қабул қилинган, унинг барча шартларига розилик билдирилган ва клиринг хизматлари бўйича шартнома тузилганлигини тасдиқлайди.

(15-банднинг 5-кичик банди “УзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2020 йил 23 апрельдаги 47-сонли баённомаси таҳририда)

16. Хорижий юридик шахсларни ХҚКПдан рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

оммавий офертанинг 2-иловасига мувофиқ бўлган ариза-акцепт;

киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар (консуллик легализация ёки апостиль мавжудлигида) билан биргаликда юридик шахснинг ишончномасиз унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи раҳбар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган давлат рўйхатидан ўтган ҳужжат нусхалари (ЭРИ-электрон рақамли имзо ёрдамида рўйхатдан ўтишда талаб қилинмайди);

“Электрон рақамли имзо калити ёрдамида клиринг аъзоси рўйхатдан ўтганда, оммавий офертани қабул қилинганлигини тасдиқлаш ва унинг шартларига сўзсиз розилик бериш ва клиринг хизмати тўғрисида шартнома тузилган ҳисобланади».

(16-банднинг 3-кичик банди “УзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2020 йил 20 июлдаги 86-сонли баённомаси таҳририда)

Шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (Нусха шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси тақдим қилинганидан сўнг қабул қилинади) ва юридик шахс номидан ҳаракат қилишга: ФИР очишга, битим бажарилишини (товарни танлаб олиш, темир йўл хизматлари ҳақини тўлаш ва ҳ.к.) ва Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига товарлар олиб чиқишни ташкил этишга, судларда, Арбитраж комиссияларда манфаатларни ифода этишга, ўз ваколатларни қайта ишониб топширишга ваколатланган шахс ишончномасининг асл нусхаси (ёки нотариал тасдиқланган нусхаси);

(16-банднинг 4-кичик банди “УзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2020 йил 23 апрелдаги 47-сонли баённомаси таҳририда)

брокерлик идораси билан брокерлик хизматларини кўрсатиш учун тузилган шартнома.

17. Ҳужжатларни қабул қилишни асосиз рад этиш устидан биржа раҳбариятига ёки судга мурожаат қилиниши мумкин.

(17-банд “УзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2020 йил 23 апрелдаги 47-сонли баённомаси таҳририда)

18. Мазкур Қоидаларнинг 15-16-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар қоғоз шаклида тақдим этилади. Чет тилдаги ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилига таржима қилинган бўлиши, таржиманинг ишончлилиги ва/ёки таржимон имзосининг ҳақиқийлиги нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши шарт. Агар кўрсатилган нотариал ҳаракатлар чет эл нотариуси томонидан амалга оширилган бўлса, ҳужжатга апостиль қўйилган

бўлиши ёки консуллик легализацияси амалга оширилган бўлиши керак. Ҳужжатларда ўчириб-ёзишлар ва тузатишлар бўлишига йўл қўйилмайди.

19. Муҳр ўзгарган ёки йўқотилган тақдирда мижознинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан шахсан имзоланган, агар мижоз деҳқон хўжалиги ёки якка тартибдаги тадбиркор бўлса, биринчи ёки иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқи берилган якка тартибдаги тадбиркор ёки деҳқон хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланган ва зарур ҳужжатлар илова қилинган илтимосномага асосан, филиал директори томонидан муҳр тайёрлаш учун муддат берилади. Ушбу муддат бир календарь ойдан ошмаслиги керак. Айни пайтда у вазиятдан келиб чиқиб, ҳужжатларни муҳр изисиз тақдим қилиш масаласини ҳал қилади. Бундай ҳолларда филиал директори имзолар намунаси ва муҳр изи туширилган карточкага тегишли белги қўяди ва бу ҳақда ҲККПни дарҳол хабардор қилади.

20. ҲККП қуйида кўрсатилган ҳар қандай ҳолатларда тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқишни рад этиш ҳуқуқига эга:

мазкур Қоидаларнинг 15-16-бандларида кўрсатилган ҳужжатлардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлмаса;

тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Қоидалар ва Регламентда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаса;

мазкур Қоидаларнинг 30-бандида кўрсатилган талабларга риоя қилинмаган бўлса.

ҲККП талабгорни ҳужжатларни кўриб чиқиш рад этилганлиги ҳақида бир иш куни ичида мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда хабардор қилади. Ҳужжатларни кўриб чиқиш рад этилганда талабгор уларни қайтариб олишга ҳақли.

21. Клиринг иштирокчиси қайта ташкил этилган тақдирда, янги ташкил этилган юридик шахс давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг 5 (беш) иш кунидан кеч бўлмаган муддат ичида ҲККПни бу ҳақда хабардор қилиши ва юридик шахс қайта ташкил этилганлиги ҳамда янги юридик шахс ташкил этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларини (шу жумладан ушбу Қоидаларнинг 15-16-бандларида кўрсатилган ҳужжатларни) тақдим қилиши шарт.

22. Юридик шахс тугатилганда, унинг шахсий ҳисобварағини тугатиш комиссиясининг тасарруфига ўтиши мумкин. Бунда ҲККПга тугатилаётган корхона муассислари(иштирокчилар)нинг юридик шахсни тугатиш ҳақидаги қарори ёки хўжалик судининг юридик шахсни тугатиш ҳақидаги тугатувчи бошқарувчининг Ф.И.Ш. ҳамда тугатиш бўйича иш юритуви муддати кўрсатилган қарори тақдим қилиниши керак.

23. Клиринг иштирокчиси тугатилган тақдирда, у бундай ваколатга эга бўлган орган томонидан қарор қабул қилингандан сўнг, бундай қарор қабул қилинган кундан 5 (беш) иш кунидан кўп бўлмаган муддат ичида, клиринг иштирокчиси тугатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда, бу ҳақда ҲККПни хабардор қилиши шарт.

24. Клиринг иштирокчилари мазкур Қоидаларга мувофиқ тақдим этиладиган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тўлиқлигини ва ҳаққонийлигини таъминлашлари шарт.

25. Биржага ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этаётган шахслар уларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун тўла жавобгардир ҳисобланадилар.

26. Клиринг иштирокчиси анкетасида ёки ҲККПга тақдим этган бошқа ҳужжатлардаги маълумотлар ўзгарган ҳолатда, клиринг иштирокчиси бундай ўзгаришлар бўлган кундан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай, ўзгаришлар киритилганлигини тасдиқловчи клиринг иштирокчисининг янги анкетасини ва/ёки бошқа ҳужжатларни тақдим қилиши шарт. Бунда ушбу ахборот мазкур Қоидалар ва Регламентда назарда тутилган шакл ва тартибда тақдим этилиши зарур.

27. Клиринг иштирокчилари мазкур Қоидаларнинг 15, 16, 21-23-бандларида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки ёлғон маълумот тақдим этганлик учун жавобгар ҳисобланади.

28. Мазкур Қоидаларнинг 15-16, 21-23-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар Биржа филиалларида (қоғоз ва сканер қилинган кўринишда маълумотлар тармоқ хотирасида ёки openid.uzex.uz махсус иловасида) сақланади.

(28-банд “УзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2020 йил 23 апрельдаги 47-сонли баённомаси таҳририда)

29. Рўйхатга олиш учун ҳужжатлар талабгор томонидан ёки талабгор берган ишончнома ёхуд топшириқ шартномаси асосида ҳаракат қилаётган шахс томонидан шахсан тақдим этилади.

30. Брокер миждоз унга бундай ҳаракатларни амалга ошириш ваколатини берган топшириқ (комиссия) шартномасининг аслини тақдим этган тақдирдагина, миждознинг ҳужжатлари рўйхатга олиш учун унга хизмат кўрсатаётган брокер орқали тақдим этилиши мумкин.

31. Ушбу параграфда кўрсатилган ҳужжатлар Биржа филиалларига тақдим этилади. Биржа филиалларининг масъул шахслари талабгорлар реестрини тузади, ҳужжатларни сканер қилади ва реестр билан қўшиб, ҳужжатлар қабул қилиб олинган кун давомида ҲҚКПнинг масъул ходимига юборади.

(31-банд “УзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2020 йил 23 апрельдаги 47-сонли баённомасига асосан чиқариб ташланган)

31-1. Норезидентларнинг ҳужжатлари рўйхатга олиш учун Биржа марказий аппарати ёки Биржа филиалларининг ҲҚКП ходимларига тақдим этилади.

32. Барча зарур ҳужжатлар қабул қилиб олингандан кейин, бир иш куни мобайнида ҲҚКП талабгорга унинг манфаатларида амалга ошириладиган ҳисоб-китоб клиринг операцияларини идентификациялаш учун хизмат қилувчи миллий ва/ёки чет эл валютасида ФИР ҳамда у амалга оширадиган битимлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳисобини юритиш учун зарур бўлган клиринг ҳисоб регистрларини тақдим этади ва уни клиринг иштирокчилари реестрига киритади. ФИР очилганидан кейин клиринг иштирокчисининг электрон почтаси (акцептда кўрсатилган)га шахсий кабинет пароли юборилади.

33. Клиринг иштирокчиларининг реестри қуйидагиларни ўз ичига олади:

клиринг иштирокчисининг тўлиқ номи;

клиринг иштирокчисининг ФИР;

клиринг иштирокчисининг СТИР;

ИФУТ коди ва ҳ.к.;

давлат рўйхатидан ўтган сана;

банк реквизитлари (МФО, ҳ.к./рақами ва банк номи);

клиринг иштирокчисининг жойлашган жойи, телефон, факс рақамлари, электрон почта манзили;

клиринг иштирокчиси раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;

клиринг иштирокчиси сифатида рўйхатга олинган сана;

клиринг иштирокчисининг шахсий ҳисобварағи ёпилган сана.

34. Клиринг иштирокчиларига ФИР клиринг тизими томонидан рақамлар навбати тартибда берилади ва у такрорланмас ҳисобланади.

35. Клиринг иштирокчисига ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатиш мазкур Қоидаларда белгиланган ҳолларда ва тартибда тўхтатилади, бунда клиринг иштирокчисининг шахсий ҳисобварағини ёпиш ҳисобварақ эгаси (ёки унинг ҳуқуқий вориси) топшириғи бўйича ҲҚКПда амалга оширилади, агар ўзга тартиб қонунчиликда белгиланмаган бўлса.

36. ҲҚКП биржа савдолари жараёнида тузилган битимлар бўйича клирингни, Биржанинг таркибий бўлинмалари томонидан олинган ҳужжатлар асосида, клиринг иштирокчиларининг тасдиғисиз амалга оширади.

Клиринг иштирокчилари ва ҲҚКПнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

37. Клиринг иштирокчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Биржада рўйхатга олинган битимлар клирингида иштирок этиш;

ўзи ва мижози шахсий ҳисобварағининг ҳолати, мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида зарур маълумотни олиш;

Биржа ва контрагентлар олдидаги ўзининг пул мажбуриятларини муддатидан олдин бажариш;

контрагентнинг розилиги билан товар етказиб бериш бўйича мажбуриятини муддатидан олдин бажариш;

ўзининг шахсий ҳисобварағидаги бўш пул маблағларини хизмат кўрсатувчи банкидаги ҳисоб рақамига ўтказиш;

шартномани бекор қилишни мўлжаллаган санадан камида 30 кун олдин, Биржани хабардор қилган ҳолда, шартномани бекор қилиш. Бунда шартнома бекор қилингунга қадар юзага келган мажбуриятлар бажарилиши керак.

Клиринг иштирокчилари амалдаги қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва Биржанинг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

38. Клиринг иштирокчиси қуйидагиларни бажаришга мажбур:

зарур, ҳаққоний ҳужжатлар ва маълумотларни мазкур Қоидаларга мувофиқ ҚККПга тақдим қилиш;

қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар, Регламент ва Биржанинг бошқа меъёрий ҳужжатларида ўрнатилган талабларга риоя қилиш;

белиланган тарифлар асосида воситачилик йиғимлари бўйича мажбуриятларни бажариш;

Биржа ва контрагентлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш;

Биржа томонидан талаб қилинган ҳаракатларни қонунга биноан бажариш;

клиринг хизматларини кўрсатиш муносабати билан, шунингдек шахсий кабинетдан фойдаланганда клиринг иштирокчисига маълум бўлган ахборотлар бўйича махфийлик режимига риоя қилиш;

Биржанинг ваколатли органи томонидан уларнинг ваколати доирасида қабул қилинган қарорларини бажариш;

бир кунда камида икки марта электрон почтаси ва шахсий кабинетида мавжуд маълумотларни текшириш;

бир ҳафтада камида икки марта Биржанинг интернетдаги сайтига кириш;

ўзига маълум бўлган клиринг билан боғлиқ ҳар қандай маълумотлар ҳақида ўз мижозларини зудлик билан хабардор қилиш;

низоларни мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда ҳал қилиш.

Клиринг иштирокчиси шахсий кабинет орқали амалга оширадиган барча операциялари учун шахсан жавобгар бўлади.

Шахсий кабинетдан нотўғри фойдаланганда ёки шахсий кабинетдан фойдаланиш учун пароль клиринг иштирокчиси томонидан учинчи шахсларга берилганда юзага келиши мумкин бўлган зарарлар бўйича Биржа жавобгар бўлмайди.

Клиринг иштирокчилари амалдаги қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва Биржанинг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

39. Ҳар бир клиринг иштирокчиси, мазкур Қоидалар шартларини қабул қилар экан, клиринг иштирокчиси анкетасида кўрсатган унинг номи, жойлашган жойи ва бошқа маълумотлар, шунингдек унинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ва жавобгарлик чоралари ҳақидаги фактлар Биржанинг интернетдаги сайтида эълон қилиниши мумкинлигига рози бўлади.

40. Брокер ва унинг мижози ўртасидаги муносабатлар улар ўртасида тузилган, қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва Биржанинг бошқа меъёрий ҳужжатларига зид бўлмаган топшириқ (комиссия) шартномалари билан тартибга солинади.

41. Биржа ва мижозлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар уларга хизмат кўрсатувчи брокерлар орқали амалга оширилади. Агар топшириқ (комиссия) шартномасида ёки расмийлаштирилган ишончномада назарда тутилган бўлса, Брокер ўз мижозларининг қонуний вакили ҳисобланади.

Биржа ва клиринг иштирокчилари ўртасида клиринг ва ҳисоб-китоблар бўйича, шунингдек клиринг иштирокчилари ўртасида шартномавий мажбуриятларни ижро этиш бўйича ахборот алмашинуви биржанинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон тизими орқали амалга оширилади.

(41-банд “ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2020 йил 23 апрелдаги 47-сонли баённомаси таҳририда)

42. Мижозларга алоқадор ҳар қандай хабарлар, ёзишмалар, ҳужжатлар ва бошқа маълумотлар мижозларга брокерлар орқали тақдим этилади. Ушбу маълумот олинган сана кўрсатилган ҳолда брокерга имзо қўйдирилиб, топширилади ёки клиринг иштирокчисининг анкетасида кўрсатилган электрон почтага ёхуд шахсий кабинетига юборилади. Электрон хабар юборилган кун ёки Брокер Биржа ҳужжатининг нусхасига имзо қўйган сана хабар берилган сана ҳисобланади. Брокер томонидан маълумот олинганлиги ушбу маълумот унинг мижози олганлигини англатади.

43. Клиринг иштирокчиси – биржа аъзосининг мажбуриятлари:

Биржадан олинган, мижозларга ва клирингга тааллуқли ҳар қандай маълумотлар ҳақида ўз мижозларини зудлик билан хабардор қилиш;

ўз ҳисобидан ва мижозлар ҳисобидан амалга оширилган битимларнинг алоҳида ҳисобини юритиш;

мижозлар манфаатида тузилган битимларнинг бажарилмай ёки бажариб бўлмайд қилишига таъсир этувчи вазиятлар юзага келганлиги ҳақида ўз мижозларини зудлик билан хабардор қилиш;

мижозларни мазкур Қоидалар, Регламент ва Биржанинг бошқа ички ҳужжатлари билан таништириш;

мазкур Қоидалар ва биржа савдоси қоидаларига киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида мижозларни ўз вақтида хабардор қилиш;

трейдерларни норматив ҳуқуқий актлар, биржа савдоларини мувофиқлаштирувчи локал актлар билан таништириш;

(43-банднинг 6-кичик банди “ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2020 йил 23 апрелдаги 47-сонли баённомасига асосан киритилган)

ўз фаолияти доирасида, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш ҳақидаги қонунчиликка амал қилинишини таъминлаш;

мижозни унинг шахсий кабинетидан фойдаланиш қоидалари билан таништириш;

Биржа аъзолари қонун ҳужжатларига ва биржа савдолари қоидаларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

44. Тегишли тартибда брокерга топширилган маълумотлардан мижознинг хабардор эмаслиги оқибатлари учун Биржа жавоб бермайди.

45. Ўз мижозларини вақтида хабардор қилиш бўйича мажбуриятларини бузган брокерларга нисбатан ҲҚКП нинг билдиргиси ёки мижозларнинг шикоятига асосан Биржанинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари қўлланиши мумкин.

46. Мижоз фақат битта брокернинг хизматида бўлиши ва ҲҚКПда битта шахсий ҳисобварағига эга бўлиши мумкин.

47. Мижоз ўзига хизмат кўрсатаётган брокерни исталган вақтда алмаштириш ҳуқуқига эга. Брокер алмашганда мижознинг брокер алмашгунига қадар вужудга келган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзгармайди. Топшириқ (комиссия) шартномасида янги брокер мижоз номидан олдинги брокер томонидан тузилган битимлар бўйича хизмат кўрсатиши назарда тутилиши керак.

48. Клиринг иштирокчилари - Биржа аъзолари биржа савдоларида трейдерлар орқали қатнашадилар, битим тузадилар ва Биржа билан ўзаро муносабатларни амалга

оширадилар. Трейдерларга қўйиладиган талаблар “ЎзРТХБ” АЖда Биржа савдолари қоидаларида бегилаб қўйилган.

49. Маълумотлари ҲККПга Маклериат томонидан тақдим этилган трейдерлар ҲККПдан/филиалларидан ўзларининг брокерлик идоралари ва мижозларига тааллуқли ахборот ва ҳужжатларни олиши мумкин.

50. Трейдерлар томонидан олинган маълумотлар брокерлар томонидан олинган ахборотлар ҳисобланади.

51. Брокерлар ва уларнинг трейдерларига ўз мижозларини янглишишига олиб келадиган ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан ҳаққоний бўлмаган ҳисоботлар ва бошқа ишончли бўлмаган маълумотларни тақдим этиш таъқиқланади. Бунда мижозни ҳақиқатан ҳам янглишиш содир бўлган ёки содир бўлмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

52. ҲККП қуйидаги ҳуқуқларга эга:

клиринг ўтказиш усулини мустақил танлаш;

импорт контрактлар бўйича ҲККПдаги сотувчи-норезидентнинг ҳисобварағига қабул қилинган маблағларни, сотувчи-норезидентнинг топшириғига бўйича фақат биржа савдоларда тузилган экспорт контрактлари, божхона божлари, суд харажатлари ва биржа контрактларини тузиш ва ижро этиш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар (воситачилик йиғимлар, брокерлик мукофотлар, транспортда ташиш ва қонунчиликка мувофиқ бошқа харажатлар)ни тўлаш учун йўналтириш;

клиринг иштирокчилари битим бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, шунингдек арбитраж ва/ёки биржанинг интизомий комиссиясининг биржа савдосининг ўрнатилган қоидалари ва шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун клиринг иштирокчисига жарима солиш тўғрисида қарори мавжуд бўлганида, клирингнинг айбдор тарафининг шахсий ҳисобварағидан жарима суммасини акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқариш;

биржа савдолари электрон тизимида битимлар қайд этилиши билан воситачилик йиғимларини ҳисобдан чиқариш, шунингдек, брокерлар учун мукофот пулларини олиш;

клиринг иштирокчиларидан ҳисоб-китоб клиринг хизмати учун зарур бўлган маълумотларни олиш.

53. ҲККПнинг мажбуриятлари:

фақат биржада рўйхатга олинган битимлар ва улар билан боғлиқ операциялар (воситачилик йиғимлари, брокерлар мукофотлари, транспортда ташиш ва қонунчиликка мувофиқ бошқа харажатлар) бўйича ҳисоб-китоб ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

шартномалар тузилгандан кейин шахсий ҳисобварақлар очиш ва ҳисоб-китоб клиринг хизматларини кўрсатиш;

мазкур Қоидаларда белгиланган муддатдан кечикмай, мазкур Қоидаларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида клиринг иштирокчиларини хабардор қилиш;

ҳар бир клиринг иштирокчиси бўйича алоҳида ҳисоб юритиш;

клиринг иштирокчилари ҲККПга тақдим этган ҳужжатлар асосида клиринг иштирокчиларининг тўлов учун етказиб бериш принципига мувофиқ клиринг иштирокчилари мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш;

битимлар мазмуни тўғрисидаги маълумотлар махфийлигини таъминлаш ва бундай маълумотларни қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳоллардан ташқари клиринг иштирокчисининг розилигисиз учинчи шахсларга тақдим этмаслик.

54. Қуйидагиларнинг ҳисоби алоҳида юритилиши лозим:

Биржанинг таркибий бўлинмаларидан олинган, биржа аъзолари томонидан битимлар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (савдо баённомалари, реестрлар, бошқа ҳужжатлар);

клиринг иштирокчиларидан олинган ҳужжатлар (топшириқлар, сотувчи ва сотиб олувчиларнинг мажбуриятлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа ҳужжатлар);

Биржага хизмат кўрсатувчи банкдан олинган, пул ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжатлар;

ҲҚКПнинг ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатиладиган битимларни бажариш учун Биржага хизмат кўрсатувчи банкка юборган топшириқномалари;

ҳисоб-китоб клиринг операцияларининг натижалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган бошқа хужжатлар;

ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатилаётган ҳар бир клиринг иштирокчиси бўйича - товар етказиб бериш ва тўловни амалга ошириш бўйича мажбуриятлар.

54-1. Клиринг ва ҲҚКП иштирокчиларига ҲҚКП ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланган ҳолда, пулли талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш бўйича операцияларни ўтказиш тақиқланади.

Клиринг хизмати кўрсатишни тўхтатиш

55. ҲҚКП қуйидаги ҳолларда клиринг иштирокчисига ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатишни тўхтатади ва унинг шахсий ҳисобварағини ёпади:

акцептни чақириб олиш йўли билан шартнома бекор қилинганда, унинг амал қилиш муддати тугагунига қадар бажарилмаган мажбурият мавжуд бўлмаганлиги шarti билан;

клиринг иштирокчиси тугатилганда;

суд ёки бошқа ваколатли органларнинг қарорига кўра;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

56. Клиринг хизмати кўрсатишни тухтатиш ва шахсий ҳисобварақни ёпиш учун барча пул мажбуриятлари ва маҳсулот етказиб бериш бўйича мажбуриятлар битимлар, мазкур Қоидалар шартларига мувофиқ ўз муддатида ёки муддатидан олдин бажарилган бўлиши шарт.

Шахсий ҳисобварақни ёпиш фақат шахсий ҳисобварақда пул маблағлари бўлмаганда амалга оширилади.

57. Клиринг иштирокчисидан акцептни чақириб олиш, тугатиш тўғрисидаги хабарнома, суд ва бошқа ваколатли органнинг қарори келиб тушганда, ҲҚКП ушбу клиринг иштирокчисининг Биржа ва контрагентлар олдидаги пул мажбуриятлари суммасини, шунингдек товарлар етказиб бериш бўйича мажбуриятларини аниқлайди.

58. Агар клиринг иштирокчисининг шахсий ҳисобварағидаги сумма унинг барча пул мажбуриятларини қопласа, ҲҚКП шахсий ҳисобварақни ёпади ва ушбу мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатишни тўхтатади.

59. Агар клиринг иштирокчисининг шахсий ҳисобварағидаги сумма мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлмаса, клиринг иштирокчиси ўз шахсий ҳисобварағини мажбуриятларни коплаш учун хабарномада кўрсатилган муддатда, ёки бундай муддат бўлмаса - етти кун ичида етарли маблағ билан тўлдириши зарур.

60. Клиринг иштирокчиси ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарган ёки клиринг иштирокчисининг бирор-бир мажбурияти бўлмаган ҳолларда, клиринг иштирокчисининг шахсий ҳисобварағида бўш пул маблағлари клиринг иштирокчиси ёки тугатиш бошқарувчисининг топшириғига кўра клиринг иштирокчисининг ҳисоб рақамига мажбуриятлар бажарилган пайдан бошлаб бир иш куни ичида қайтарилади.

61. Клиринг иштирокчиси ўзининг барча мажбуриятларини тўлиқ бажарганидан сўнг ҲҚКП унинг шахсий ҳисобварағини ёпади, ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатишни тўхтатади, ушбу иштирокчининг ФИР эса бошқа ҳеч кимга берилмайди.

62. Шахсий ҳисобварақни ёпишдан олдин ундаги қолдиқ пул маблағлари хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисобварақ эгасининг ҳисоб рақамларига ёки унинг топшириғига кўра ЛОРО-ҳисобрақамига қонунчиликка мувофиқ ўтказилади.

Бирор-бир сабаб билан, шу жумладан клиринг иштирокчиси тугатилганлиги боис, лекин клиринг иштирокчиси тугатилганлиги сабабли банкдаги ҳисобварақларини ёпиш

билан чекланиб қолмасдан, шахсий ҳисобварағидаги бўш пул маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилмай, улар блоклаб қўйилади.

63. Шахсий ҳисобварақдаги маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Маблағлар шахсий ҳисобварақда уч йил давомида сақланади.

64. Мазкур Қоидаларнинг 63-бандида кўрсатилган муддат ичида клиринг иштирокчиси, унинг ҳуқуқий вориси ёки клиринг иштирокчисининг мол-мулкни идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс ёхуд қонун ёки суд қарорига асосан клиринг иштирокчисидан шахсий ҳисобварағидаги пулларни ўзига ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, бундай ҳуқуқни тасдиқловчи зарур ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда, шахсий ҳисобварақда сақланаётган пул маблағларини беришни талаб қилиши мумкин.

65. Мазкур Қоидаларнинг 63-бандида кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг, Биржа мазкур пул маблағларини, қонунчилик талабларига мувофиқ, ўз даромадига ўтказиши мумкин.

66. ҲҚКП шахсий ҳисобварақлардаги мавжуд пул маблағлари тўғрисида Биржанинг Бош бухгалтери ва раҳбариятига ҳар ойда ҳисобот топшириб туриши шарт.

III-бўлим. Битимларни таъминлаш ва бажариш тартиби. Клиринг иштирокчиларини биржа битимлари бўйича иқтисодий ночор деб топишнинг шартлари ва жарималарни тўлаш тартиби

Умумий қоидалар

67. Рўйхатдан ўтганидан кейин, биржа савдоларида иштирок этиш ва ўз пул мажбуриятларини бажаришлари учун клиринг иштирокчилари пул маблағларини ҲҚКПнинг Биржага хизмат кўрсатувчи банкда очилган иккиламчи ҳисобварақларига ўтказадилар.

68. Ҳар бир клиринг иштирокчисининг пул маблағлари ва мажбуриятлари ҲҚКП томонидан уларнинг шахсий ҳисобварақларида алоҳида ҳисобга олинади. Ушбу маблағлар клиринг иштирокчиларининг мулки ҳисобланади.

69. Клиринг иштирокчиларининг ҲҚКПдаги шахсий ҳисобварақларидаги пул маблағлари:

битимлар бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб учун;

савдо сессияларида иштирок этиш учун закат сифатида;

мижознинг топшириғига кўра - клиринг иштирокчисининг маблағларини унга хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисобварағига қайтариш учун;

Биржа хизматларига ҳақ тўлаш, брокерлик мукофотлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун;

қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган экспорт (импорт) битимлари ижроси билан боғлиқ тўловларни амалга ошириш учун;

битимларнинг тузилиши ва бажарилиши билан боғлиқ бошқа ҳолатларда.

Битимлар бўйича ҳисоб-китоблар фақат клиринг электрон тизими орқали амалга оширилади.

70. Биржа ҲҚКПдаги шахсий ҳисобварақлардаги маблағлар ҳисобидан амалга оширилган операциялар бўйича даромад олмайди.

71. Биржа ўзининг давлат ва/ёки бошқа шахслар олдидаги мажбуриятлари бўйича клиринг иштирокчиларининг шахсий ҳисобварақларидаги маблағлар ҳисобидан жавоб бермайди.

72. Ундирувни клиринг иштирокчисининг шахсий ҳисобварағидаги маблағларга қаратиш ва уларга банд солишга қонун ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйилади.

Пул маблағларини ундириш ва уларга банд солиш ваколатли органнинг ҳужжатида кўрсатилган сумма доирасида, ушбу ҳужжат келиб тушган кунда шахсий ҳисобварақдаги пул маблағлари ва ундан кейин келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

73. Агар ундирув ёки банд солиш назарда тутилган ҳужжат келиб тушган кунда ҲҚКПга клиринг иштирокчиси товар жўнатганлиги ҳақида маълумот ушбу фактни тасдиқловчи далиллар билан келиб тушса, клиринг иштирокчисининг контрагенти олдидаги мажбуриятлар бажарилгандан кейин қолган пул маблағларига нисбатан ундирувни амалга оширилади ёки уларга банд солинади.

74. Ундирув ёки банд солиш ҳақидаги ҳужжат келиб тушганда, ҲҚКП битим ижросини тугатиш мақсадида бу ҳақда клиринг иштирокчисини ва унинг контрагентини зудлик билан хабардор қилади. Бундай ҳолатда битимлар жарима ундирмасдан ёпилади.

Буюртмалар таъминланганлигини назорат қилиш

75. Клиринг тизими ҳар бир савдо сессиясидан олдин буюртмалар таъминланганлигини назорат қилади. Буюртмалар таъминланганлигини назорат қилиш савдо сессиялари доирасида битимлар тузиш учун берилган буюртмалар бўйича ўтказилади.

76. Сотувчилар ва сотиб олувчилар ўзларининг ҲҚКПдаги шахсий ҳисобварақларига биржанинг кимиссион йиғимларидан иборат аванс тўловлар, шунингдек, биржа савдоларига қўйилган маҳсулотларнинг умумий нархи ва тахмин қилинаётган битимларнинг ҳажмидан келиб чиқиб закатат ўтказадилар.

Закатат миқдори Биржа савдоси қоидалари билан белгиланади. Сотиб олувчиларнинг закататлари тузилган биржа битимлари бўйича тўлов сифатида ҳисобга олинади.

«Импорт шартномасини тузишда харидор аванс тўловларни миллий валютада, сотувчи аванс тўловларини импорт ташқи савдо шартномасининг чет эл валютасида ўтказди».

[\(76-банднинг 3-кичик банди “УзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2020 йил 20 июлдаги 86-сонли баённомаси таҳририда\)](#)

77. Сотиб олувчилар депонент қилинган аванс тўловларини ҳисобга олган ҳолда, тўлови мўлжалланаётган маблағлар доирасида Биржада битимлар тузишга ҳақли.

78. Аванс тўлови миқдори кам бўлса ёки мавжуд бўлмаса, клиринг тизими клиринг иштирокчисига битимни амалга оширишни рад қилади.

79. Сотувчилар ва сотиб олувчиларнинг аванс тўловлари етарли бўлса, аванс тўловлар суммаси савдо сессияси охирига қадар блоклаб қўйилади.

80. Савдо сессияси яқунлангач, амалга оширилган битимлар реестри шакллантирилади. Клиринг иштирокчиларининг блоклаб қўйилган барча аванс тўловлари:

тузилмаган битимлар бўйича аванс тўловлари озод қилинади ва бўш пул маблағларини ташкил қилади;

тузилган битимлар бўйича закататлар битим ёпилгунига қадар блоклаб қўйилган ҳолда қолади.

81. Тузилган битимлар реестри шакллантирилганидан сўнг, ҲҚКП уларни клиринг тизимига киритади.

82. Тузилган битимлар реестри асосида ҲҚКП клиринг ўтказди, клиринг иштирокчиларининг мажбуриятларини белгилайди, закататларни блоклаб қўяди ва қонунчиликка мувофиқ ўрнатилган тарифларга асосан Биржанинг воситачилик йиғимларини ушлаб қолади.

Битимларни бажариш тартиби

83. Битим рўйхатга олинганидан сўнг, битим шартларида кўрсатилган муддатда сотиб олувчи ҲҚКПнинг Биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги иккиламчи ҳисобварағига битим бўйича молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун қўшимча пул маблағларини ўтказиши шарт.

«Чет эл валютасида тузилган импорт контрактларига мувофиқ, битим шартларида кўрсатилган муддат ичида, рўйхатдан ўтганидан кейин харидор молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун конвертация қилинган валютадаги маблағларни қўшимча равишда ҲҚКПнинг иккинчи даражали ҳисоб рақамига ўтказиши шарт.»

(83-банднинг 2-кичик банди “УзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2020 йил 20 июлдаги 86-сонли баённомаси таҳририда)

84. Товарлар темир йўл транспортига юклаб жўнатишда, агарда биржа шартномасида кўрсатиб ўтилган бўлса, сотувчи темир йўл хизмати бўйича пул маблағларини ўтказиш учун банк реквизитлари кўрсатилган зарур ҳужжатларни сотиб олувчига тақдим қилиши, сотиб олувчи эса битим рўйхатга олинганидан сўнг битим шартларида кўрсатилган муддатда темир йўл хизмати харажатлари учун тўловларни тўлиқ тўлаши зарур.

Темир йўл транспорти хизматлари учун ҳақ тўламаганлик товар учун тўловни амалга оширмаганликка тенглаштирилади ва сотиб олувчига нисбатан ушбу Қоидаларнинг 102-бандида ўрнатилган тартибот қўлланилади.

85. Тўловнинг бутун суммаси ҲҚКП томонидан битим ёпилгунга қадар блоклаб қўйилади.

86. Сотиб олувчидан унинг шахсий ҳисобварағига пул маблағи келиб тушган кундан кейин бир иш кунидан кечиктирмасдан, ҲҚКП сотувчига ва унинг брокерига тўлов амалга оширилган битимлар реестрини электрон шаклда юборади.

Тўлов амалга оширилган битимлар реестри оддий клиринг принципи асосида шакллантирилади.

Ушбу реестр сотувчига товарни етказиб бериш учун асос бўлади. Товарни етказиб бериш муддати ҲҚКП томонидан тўлов амалга оширилган битимлар реестри юборилган кундан бошланади.

Сотувчи ҲҚКП томонидан тўлов амалга оширилган битимлар реестри тақдим этилмасдан товар етказиб берган тақдирда, товар учун тўловни амалга ошириш таваккалчилиги сотувчининг зиммасида бўлади.

87. Сотувчи тўлов амалга оширилган битимлар реестрини олганидан сўнг, сотиб олувчига хизмат кўрсатувчи брокерга ёки бевосита сотиб олувчига товарларни жўнатиш санаси ёки жадвали кўрсатилган хабарни юборади.

Агар сотувчи томонидан товарни етказиб бериш ҳақида хабар юборилмаган бўлса, сотиб олувчи товарни етказиб бериш ҳақида сотувчига талабнома юборишга ҳақли.

88. Сотиб олувчи товар юкланиши вақтида сотувчининг омборида ўз вакили иштирокини таъминлаши ва, агар битим шартларида товар сотиб олувчининг транспорт воситасида етказиб берилиши назарда тутилган бўлса - бундай транспорт воситаси бўлишини таъминлаши шарт.

89. Сотиб олувчининг вакили белгиланган муддатда етиб келганидан сўнг, сотувчи сотиб олувчининг вакили унинг омборига келганлигини, ТМБ олиш учун берилган ишончномага вакил келган сана ва вақтни кўрсатган белги (муҳр ёки штамп) қўйиш йўли билан, тезда тасдиқлаши шарт.

90. Товар жўнатишнинг натижаси бўйича сотувчи - биржа аъзоси томонидан маҳсулот етказиб берилган кундан бошлаб уч иш куни ичида, лекин тузилган битим шартларида белгиланган, етказиб бериш муддати охиригича кунининг эртасидан кечиктирмасдан ҲҚКПга етказиб бериш тўғрисида ахборот тақдим этилади. Ушбу битим бўйича сотувчи ва сотиб олувчининг пул маблағлари электрон клиринг тизими томонидан ЕБҲР, қайта ишланган пайтгача блокда туради.

91. Клиринг иштирокчиси - сотувчи томонидан тақдим этиладиган ахборот ўз ичига қуйидагиларни олиши керак:

- битим рақами;
- товар миқдори;
- товар баҳоси;
- ҳисоб-фактура ёки юк хати рақами;
- етказиб бериш санаси;
- етказиб берилган товарнинг умумий суммаси;
- автотранспорт воситасининг давлат рақами (автотранспорт орқали олиб кетган ҳолларда);
- ишончнома рақами ва санаси (товар темир йўл транспортида етказиб берилган ҳоллардан ташқари);
- вагон рақами ва олувчи станция коди (темир йўл орқали юклаб жўнатилганда).

92. ҲҚКПга ЕБҲР кечикиб тақдим этилгани учун жавобгарлик, шу жумладан, етказилган зарар, сотувчининг айбини исбот қилиб бермаса сотувчига хизмат кўрсатувчи брокер зиммасида қолади, борди-ю исбот қила олса, сотувчининг зиммасига тушади.

93. Товар темир йўл транспортида юклаб жўнатилганда, юклаб жўнатганлик факти темир йўл юк хатининг нусхаси билан, импорт контрактлар бўйича – божхона юклаш декларацияси (БЮД) нусхаси ва инвойс (ҳисоб-фактура) билан, экспорт контрактлар бўйича – БЮД нусхаси билан тасдиқланади.

«ҲҚКПга товарларни импорт шартномаси бўйича жўнатилганлигини (етказиб берилганлигини) тасдиқловчи маълумотлар тақдим этилганидан сўнг, етказиб берилган товарлар учун валюта маблағлари 2 банк куни ичида норезидент сотувчининг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги банкда очилган валюта ҳисобварағига ўтказилади.

Валюта маблағларини ўтказиш харажатлари пул юборган шахс томонидан копланди.

Биржа савдоларида қатнашиш учун олдин блокланган сотиб олувчининг миллий валютадаги гаров суммаси 1 иш куни давомида харидорнинг ФШРига бўшатиб берилади.

Биржа савдоларида қатнашиш учун олдин блокланган сотувчининг чет эл валютасидаги гаров суммаси 1 иш куни давомида сотувчининг ФШРига бўшатиб берилади».

(93-банд “ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2020 йил 20 июлдаги 86-сонли баённомаси таҳририда)

94. ЕБҲР тақдим этилган кундан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан, ҲҚКП сотиб олувчининг шахсий ҳисобварағидан сотувчи томонидан мажбуриятнинг бажарилган қийматидаги пул маблағини сотувчининг шахсий ҳисобварағига ўтказиши шарт. Кейинчалик, ушбу маблағларни сотувчига хизмат кўрсатувчи банкдаги унинг ҳисобварағига ўтказди ва мазкур Қоидалар шартларига мувофиқ битимни ёпади.

(94-банд “ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2020 йил 23 апрелдаги 47-сонли баённомаси таҳририда)

95. Агар тақдим этилган юк хати товар қисман етказиб берилганлигини тасдиқласа, ҲҚКП ҳақиқатда етказиб берилган товар суммасига тенг суммани сотувчининг ҳисобига ўтказди.

96. Агар ҳақиқатда битим бўйича жўнатилган товарлар қиймати сотиб олувчининг ушбу битим бўйича пул мажбуриятларидан ортиқ бўлса, ҲҚКП ушбу битимни ижро қилиш учун блоклаб қўйилган тўлов суммасини ўтказиш билан чекланади.

97. Битимлар бўйича тўлов ва товарларни етказиб бериш муддатини узайтириш фақат бир марта, 10 иш кунидан ошмаган муддатга, қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- тарафларнинг ўзаро келишувига кўра;
- арбитраж комиссиясининг қарори билан;

- фавкулудда вазият юз берган тақдирда, мазкур Қоидаларнинг V-бўлимига мувофиқ.

Тарафларнинг ўзаро келишуви тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган расмий хатлар билан ёки ягона ҳужжат шаклида расмийлаштирилади.

Мижознинг шахсий кабинети орқали ЭРИ ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда, битимлар бўйича тўлов ва товарларни етказиб бериш муддатини узайтиришга топшириқлар қоғоз ташувчисидаги топшириқларга тенглаштирилади.

Битимларни ёпиш, томонларнинг иқтисодий ночорлигини тан олиш ва жарималар тўлаш тартиби

98. Битимни ёпиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

битим бўйича клиринг иштирокчилари – сотувчи ва сотиб олувчи томонидан мажбуриятлар лозим даражада бажарилганда;

битим бўйича клиринг иштирокчилари – сотувчи ва сотиб олувчи томонидан мажбуриятлар бажарилмаганда, жарима тўлангандан сўнг;

клиринг иштирокчилари – сотувчи ва сотиб олувчининг битимни жарима тўлаган/тўламаган ҳолда ёпишга ўзаро рози бўлганида;

клиринг иштирокчилари — сотувчи ва сотиб олувчининг шартномада кўрсатилган муддат давомида эътирозлари бўлмаганда, жарималарсиз;

Арбитраж комиссия қарорига кўра.

99. Сотиб олувчи мажбуриятларни қуйидагича бажарилганда тегишли тарзда бажарилган деб ҳисобланади:

битимнинг ўз вақтида тўлиқ тўланиши;

сотувчи томонидан хабарномада кўрсатилган муддатда (хабарнома бўлмаганда – битим билан келишилган муддатда) транспорт воситаси билан сотиб олувчи вакилининг оморда ҳозир бўлиши, товарни темир йўл транспорти орқали ортиш ҳоллари бундан мустасно.

100. Сотувчи мажбуриятлари қуйидагича бажарилганда лозим даражада бажарилган деб ҳисобланади:

а) Юклаш фактини мазкур Қоидаларга биноан тасдиқлаган ҳолда, тегишли сифатдаги товар тўлиқ ҳажмда битимга мувофиқ юкланганда;

б) товар юклаб жўнатилган, лекин товарнинг хусусияти билан боғлиқ технологик ва бошқа сабаблар, транспорт воситаси билан боғлиқ ёки товарни юклашда мажбуриятларни тўлиқ бажариш учун тўсқинлик қилувчи ҳолатлар юз берганлиги сабабли товар тўлиқ етказиб берилмаган бўлса, агар битимнинг алоҳида шартларида ушбу асослар билан тарафни жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилган бўлса.

101. Мазкур Қоидалар 100-бандининг б)-кичик бандида кўрсатилган ҳолатлар юзага келганда, ХҚКП қайта ҳисоб-китобни амалга оширади, етказиб берилмаган товар суммаси миқдоридаги пул маблағларини сотиб олувчига қайтариб беради ва жарима ундирмасдан битимни ёпади.

102. Агар клиринг, иштирокчиси шартнома шартларида назарда тутилган муддатда, битим бўйича мажбуриятларни бажармаса ХҚКП:

битимни харидор томонидан тўланмаганлиги учун бекор қилади;

битимни Арбитраж комиссиясининг қарорига кўра биржа товари етказиб берилмаганлиги ёки юклаб олиб чиқилмаганлиги учун бекор қилади;

клиринг иштирокчиси — сотувчи ёки сотиб олувчининг ҳисоб рақамига, шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун закалат миқдоридаги жаримани ўтказди.

103. Бекор қилинган битимлар бўйича маҳсулот ҳажми сотувчи томонидан кейинги савдорларда яна сотувга қўйилади.

104. Биржа аъзоларининг маблағлари етарли бўлмаган тақдирда биржа битими бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши, уларга Биржа савдоси қоидалари билан

белгиланган тартибда бериладиган, тузилган биржа битимларининг ижросини таъминлаш Фондининг маблағлари ҳисобига таъминланиши мумкин.

105. Товар етказиб берилмаганда (етказиб беришдан бош тортилганда) ёки тўлик етказиб берилмаганда, Сотувчи битим бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги учун Сотиб олувчига битим суммасидан закат пули миқдорида жарима тўлайди.

106. Жарималар акцептсиз тартибди ҳисобдан чиқарилади, бунга сотувчи ва сотиб олувчилар мазкур Қоидалар шартларини қабул қилган ҳолда ўзларининг сўзсиз розилигини берадилар.

107. Сотувчи ёки сотиб олувчининг ҳисобига жарима ўтганидан сўнг, битим ёпилади, ҳамда сотувчи ёки сотиб олувчининг мазкур битим бўйича блокировка қилинган пул маблағлари озод қилинади.

108. Мазкур Қоидаларда назарда тутилмаган шартнома мажбуриятларининг бузганлиги учун, айбдор томон Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

109. Жарима тўлаганлигидан қатъий назар, шартномавий мажбуриятларини бузган томон, бошқа томонга бунинг натижасида етказилган зарарни қонунчилик билан белгиланган тартибда қоплаб беради.

110. Жаримани ўз фойдасига ундириш ҳуқуқига эга бўлган томон, ҳар қандай вақтда жаримани ўзининг ҳисоб рақамига ҳақиқатда ўтказилгунига қадар унга тегишли бўлган жаримадан воз кечиши мумкин.

111. Иқтисодий ночор деб тан олинганлигидан ва ўзидан жарима ундирилишига рози бўлмаган томон, “ЎзРТХБ” АЖ Арбитраж комиссияси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Биржанинг Арбитраж комиссиясига мурожаат қилиши мумкин. Арбитраж комиссияси томонлардан бири рози бўлмайдиган қарор қабул қилинган тақдирда, у судга мурожаат қилиши мумкин.

112. Битимни муддатидан аввал, жаримани ундириб/ундирмасдан ёпиш тўғрисидаги ўзаро келишув, томонларнинг расмий хатлари шаклида ҳам, шахсларини тасдиқловчи ҳужжатлари илова қилинган ҳолда, томонларнинг ваколатли шахслари тарафидан имзоланган ягона ҳужжат тузиш йўли билан ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

Мижознинг шахсий кабинети орқали ЭЦП ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда битимни ёпиш учун бериладиган топшириқ қоғоз ташувчисидаги топшириққа тенглаштирилади.

113. ҲҚКП қуйидаги ҳолларда битимни мустақил тарзда ёпади:

сотувчи ва сотиб олувчи мажбуриятларни лозим даражада бажарганда, мажбуриятлар лозим даражада бажарилганлигини тасдиқловчи юклаш-жўнатиш ҳужжатлари тақдим қилинган пайтдан бошлаб бир иш куни ичида;

битим томонларининг бири иқтисодий ночор бўлганда – жарима ундирган ҳолда, жарима ундириш ҳуқуқига эга бўлган томоннинг ундан воз кечиш ҳақидаги ёзма аризаси мавжуд бўлган тақдирда эса, жарима ундирмасдан - ушбу Қоидаларда ўрнатилган муддатлар ва шартларда;

жарима ундириб/ундирмасдан битимни муддатидан олдин ёпиш ҳақида томонларнинг келишуви мавжуд бўлганда - сотувчи ва сотиб олувчининг расмий мурожаати келиб тушган пайтдан бошлаб бир иш куни ичида;

сотувчи ёки сотиб олувчида контрагентга нисбатан товар етказиб бериш (олиб чиқиш) бўйича бажарилмаган мажбуриятлар юзасидан, битимда белгиланган етказиб бериш муддати тугаган пайтдан бошлаб уч иш куни ичида эътирозлар келиб тушмаган тақдирда - тўртинчи куни жарималарсиз битим ёпилади, блокланган пул маблағлари ундан озод қилинади.

114. Биржа шартномаларини бажариш бўйича низолар юзага келган тақдирда, Комиссияга жарима қўллаш ҳақидаги аризалар шартномада белгиланган етказиб бериш муддати ўтганидан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан берилади. “ЎзРТХБ” АЖ Арбитраж комиссияси мурожаат қилиш (ариза бериш) “ЎзРТХБ” АЖ Арбитраж

комиссияси (arbitraj) шахсий кабинетига электрон (сканерланган) шаклда клиринг иштирокчиларининг шахсий кабинетлари орқали соат 17:00гача амалга оширилади.

115. Арбитраж комиссияси томонидан низо кўриб чиқиш учун қабул қилинганда сотувчи ва сотиб олувчининг пул маблағлари Арбитраж комиссияси томонидан қарор қабул қилинганга қадар блокланган ҳолда қолади. Арбитраж комиссияси томонидан низо кўриб чиқиш муддати Арбитраж комиссияси тўғрисидаги низо билан белгиланади.

116. Битимни блоклаб қўйишга қуйидаги ҳолларда рухсат берилади:

битим бўйича низо ёки даъво юзага келган тақдирда - Арбитраж комиссияси томонидан қарор қабул қилингунга қадар;

Маклериат ёзма мурожаат қилган тақдирда - Арбитраж комиссияси томонидан қарор қабул қилингунга қадар;

қонунчилик ҳужжатлари ва Биржанинг меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

IV-бўлим. Биржа хизматларига ҳақ тўлаш тартиби

117. ҲҚКП клиринг иштирокчиларидан Биржа фойдасига биржа хизматлари, шу жумладан ҳисоб-китоб клиринг хизматлари учун тарифда белгиланган воситачилик йиғимларини ундиради.

118. Клиринг иштирокчиси биржа хизматларига ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятларни Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида, экспорт/импорт битимлари тузган норезидентлар эса, агар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки шартномада бошқача белгиланмаган бўлса, битимда кўрсатилган валютада амалга оширади.

(118-банднинг “ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2019 йил 27 декабрдаги 228-сонли баённомасига асосан қуйидаги таҳрирда)

119. Биржа хизматларига ҳақ тўлаш бўйича мажбурият, клиринг иштирокчиси томонидан ўзининг ҳисоб рақамига ўтказилган аванс тўловлари ҳисобига ижро этилади. ҲҚКП воситачилик йиғимлар суммасини, битим биржа савдоларининг электрон тизимида қайд этилгандан сўнг дарҳол ундиради.

120. ҲҚКП ҳисоб-фактураларни сотувчиларга ҳар куни, сотиб олувчиларга эса – ҳар ойда ойнинг сўнгги иш кунини ўзига ўтади. Сотувчилар ҳисоб-фактурани ҳар куни, Сотиб олувчилар эса ҳисоб-фактура ёзиб берилган ойдан кейин келадиган ойнинг 10-санасида олиб кетишлари шарт.

V-бўлима. Фавқулодда вазиятлар

121. Фавқулодда вазиятлар деганда, клирингни ёки битимлар бўйича мажбуриятларни ушбу Қоидаларга мувофиқ меъёрида амалга оширишга йўл қўймаган, йўл қўймаётган ёки йўл қўймайдиган фавқулодда, олдиндан билиб бўлмаган ва енгиб бўлмайдиган хусусиятдаги ҳолатлар тушунилади.

122. Қуйидаги вазиятларни фавқулодда вазиятлар деб тан олиниши мумкин:

вақтинчалик ёки маълум муддатга Биржа ва ҲҚКП томонидан савдолар ва клирингни амалга ошириш бўйича операцияларни ёхуд битимлар бўйича томонлар мажбуриятларини тегишли тарзда бажаришни, улар қуйида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар қабул қилингунга қадар қандай кўринишда ва тартибда ўтказилган бўлса, бундан кейин ҳам худди шундай тартибда бажариш имконини бермайдиган ёки сезиларли даражада бажарилишини қийинлаштирувчи қонунчилик ҳужжатлари, давлат органлари ҳужжатлари, ҳамда йўриқномалар, баённомалар, кўрсатмалар, аризалар, хатлар, телеграммалар ёки мазкур органларнинг фармойишларини қабул қилиш ёки ҳар қандай ўзгартириш;

ёнгинлар ёки бошқа форс-мажор вазиятлар;

Биржа, битим томонлари эгаллаб турган, етказиб бериш учун мўлжалланган товарлар ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган ва ҳ.к. бинолар, омборлар ёки бошқа хоналар (иншоот)нинг бузилиши ёки уларга жиддий шикаст етказилиши;

томон важ қилиб кўрсатаётган, томоннинг ихтиёрида бўлган техник воситалар билан бартараф қилиб бўлмайдиган, электр энергияси етказиб беришдаги беқарорлик ёки ўчиб қолишлар;

Биржанинг дастурий таъминоти, ҳисоблаш техникаси, оргтехника, алоқа воситалари, шу жумладан телекоммуникация воситаларининг яроқсизлиги ёки техник бузилишлари;

оммавий тартибсизликлар, қуроли тўқнашувлар, намоёишлар, террористик ҳаракатлар;

фақулудда вазиятларни важ қилиб кўрсатаётган томоннинг биносида бўлган ходимлар ва бошқа кишиларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф туғдириши мумкин бўлган, бинода содир бўлган ҳар қандай ҳолатлар ва (ёки) ҳодисалар;

фавқулудда, кутилмаган ва бартараф этиб бўлмайдиган тусга эга бўлган ҳар қандай ҳодисалар.

123. Ушбу ҳолатларнинг юзага келишига айбдор томоннинг ўз фойдасини кўзлаб, ҳам қасддан, ҳам эҳтиётсизлигидан содир этган нотўғри ҳатти-ҳаракатлари сабаб бўлмаган тақдирдагина, олдинги бандда санаб ўтилганлар томонларни жавобгарлигини истисно қилади.

124. Фавқулудда вазиятни важ қилиб кўрсатаётган томон, вазият юз берган заҳоти, имкон қадар зудлик билан, лекин ҳодиса содир бўлган куннинг эртасидан кечиктирмасдан, ҳодиса содир бўлганлиги ҳақида Биржани, шунингдек Арбитраж комиссиясини ва ушбу ҳолатга алоқаси бўлган клиринг иштирокчиларини хабардор қилиши шарт.

125. Мазкур Қоидалар ва битим бўйича мажбуриятларни бажариш имкониятсизлиги юзага келган томон Арбитраж комиссиясини хабардор қилмаган ёки ўз вақтида хабардор қилмаган тақдирда, бу унинг мазкур ҳолатларга таяниш ҳуқуқининг йўқолишига олиб келади.

126. Агар фавқулудда вазият 90 (тўқсон) календар кунидан ортиқ давом этган тақдирда, ҳар қандай томон жарима қўлламастан битимни ёпишга ҳақлидир.

127. Ҳодисани фавқулудда вазият деб топиш учун, Арбитраж комиссиясининг тегишли қарори бўлиши лозим. Арбитраж комиссияси фавқулудда вазиятлар тўғрисидаги масалани Арбитраж комиссияси тўғрисидаги Низомга мувофиқ кўриб чиқади.

128. Фавқулудда вазиятни важ қилиб кўрсатаётган томон, Арбитраж комиссиясига фавқулудда вазиятнинг ҳаракати юзасидан барча зарур ҳужжатларни ва бошқа далилларни, шунингдек вазият кутилмаган ва енгиб бўлмас хусусиятга эга эканлигини исботловчи далилларни тақдим қилиши шарт.

129. Арбитраж комиссияси ҳодисани фавқулудда вазият деб топган ҳолатда, Биржани, клиринг иштирокчиларини, битим бўйича контрагентларни бу ҳақда хабардор қилади.

130. Фавқулудда вазиятларни ҳал этиш чоралари сифатида Арбитраж комиссияси қуйидагиларни амалга оширишга ҳақли:

савдолар ва клиринг сессиялари бўлиб ўтаётганда фавқулудда вазият содир бўлса, савдоларни тўхтатиш ёки охириги савдо ва клиринг сессиялари натижаларини бекор қилиш;

битимлар бўйича мажбуриятларни бажариш муддатларини ўзгартириш;

битимни ёпади;

зарурат туғилганда, бошқа ҳаракатларни бажариш.

131. Арбитраж комиссияси томонидан фавқулудда вазият шароитларида битим томонларининг ўзаро муносабатларини тартибга солиш бўйича қабул қилинган

қарорлари клиринг иштирокчиларининг барчаси томонидан бажариш учун мажбурий ҳисобланади.

132. Арбитраж комиссиясининг қарорлари тўғрисида, шунингдек фавқулодда вазиятни тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида клиринг ва Биржа мазкур Қоидаларда назарда тутилган қарорлар ва чора-тадбирлар қабул қилинган кундан кечиктирилмасдан хабардор қилинишлари керак.

VI-бўлим. Низоларни ҳал қилиш тартиби қўлланиладиган ҳуқуқ

133. Мазкур Қоидалар ва Биржанинг бошқа ички ҳужжатларининг қўлланилиши, шарҳланиши, бузилиши ҳамда тузилган битимларнинг бажарилиши юзасидан биржа ва клиринг иштирокчилари ўртасида, шунингдек клиринг иштирокчилари ўртасида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар, Биржанинг Арбитраж комиссиясида ёки судда кўриб чиқиш йўли билан даъво тартибида ҳал қилинади.

134. Арбитраж комиссияси низоларни Арбитраж комиссияси тўғрисидаги низомда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқади. Қўлланиладиган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи ҳисобланади.

135. Арбитраж комиссиясининг қабул қилинган қароридан норози бўлган томон қонунчиликда белгиланган тартибда судга мурожаат қилиши мумкин.

VII-бўлим. Яқуний қоидалар

136. Мазкур Қоидалар уларни Биржанинг интернет тармоғидаги сайтида эълон қилинган кундан бошлаб беш иш куни ичида кучга киради.

137. Мазкур Қоидаларнинг талабларини бузилишида айбдор шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ҳисоб-клиринг хизматларини кўрсатиш тўғрисида
ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. “Ўзбекистон республика товар хом ашё биржаси” Акциядорлик жамияти, бундан буён Биржа деб номланади, Устав асосида ҳаракат қилувчи Бошқарув Раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Ибрагимов Ф.Ф. ушбу таклиф билан, Қоидаларни тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиш ҳақида маълум қилган шахс (бундан буён Клиринг иштирокчиси) билан Биржанинг интернет тармоғидаги расмий сайтида жойлашган “ЎзРТХБ” АЖда Ҳисоб–китоб клиринг операцияларини ўтказиш қоидаларининг (бундан буён – Қоидалар) шартларига биноан, ҳисоб-клиринг хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузишга тайёр эканлигини билдиради. Биржа ва Клиринг иштирокчиси бундан буён биргаликда Томонлар деб юритилади.

2. Клиринг иштирокчиси Қоидалар шартларини қабул қилган тақдирда Биржани мазкур оммавий офертага (унинг ажралмас қисми саналадиган) иловага мувофиқ ариза-акцепт (бундан буён – Акцепт) юбориш йўли билан шартнома тузишга ўз розилиги ҳақида хабардор қилади. Акцептнинг барча устунлари тўлиқ, қисқартмаларсиз, аниқ, босма ҳарфлар билан тўлдирилган бўлиши керак.

3. Биржа ҳисоб-клиринг хизматини кўрсатишни амалга ошириш, Клиринг Иштирокчиси эса Қоидалар шартларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ижро этиш мажбуриятларига эгадирлар.

4. Шартнома Биржа томонидан Акцепт олинган ва Клиринг иштирокчиси Биржанинг Ҳисоб-клиринг палатасида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб тузилган деб тан олинади ва кучга киради ва Қоидалар шартларига биноан бекор қилингунга қадар амалда бўлади.

5. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, низоларни ҳал қилиш усуллари Қоидалар билан белгиланади.

6. Биржа ўз мажбуриятларини Акцепт келгандан ва Клиринг иштирокчиси Биржанинг Ҳисоб-клиринг палатасида рўйхатдан ўтгандан сўнг киришади.

7. Томонлар Шартнома шартларини бажармаганликлари ёки тегишли тарзда бажармаганликлари учун амалдаги қонунчилик ва Қоидаларга биноан жавобгар бўладилар.

8. Клиринг иштирокчисига хизмат кўрсатишда зарур бўлган ва у томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққоний ва/ёки тўлиқ бўлмаганлиги учун Биржа жавобгар эмас.

9. Томонлар Қоидаларга кўрсатилган фавқулодда вазиятлар ҳолатлари юзага келганлиги натижасида Шартнома шартларини бажармаганликлари ёки тегишли тарзда бажармаганликлари учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

10. Мазкур офертада ва/ёки Қоидалар билан келишилмаган шартлар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

11. “ЎзРТХБ” АЖ реквизитлари:

Юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бобур кўчаси, 77.

Телефон: 0371-207-00-33

СТИР: 200933985

КТУТ коди 15250786

Банк: Трастбанк ХАБ ОПЕРУ

МФО: 00491

Ҳисоб рақами: 20208000900600257001

ҲҚКПдаги иккиламчи ҳисоб рақамлари (сўмларда): 20208000300600257009
20208000100600257052

ЎҚҚПдаги иккиламчи ҳисоб рақамлари
(АҚШ долларларида): 20208840400600257008
JSB TRASTBANK SWIFT: TRSAUZ22
Корреспондент Банк: ПАО «Транскапиталбанк»
SWIFT: TJSCRUMM
Вакиллик ҳисоб рақамлари: 30111840200001000080

Корреспондент банк: АО «Азия – Инвест банк»
SWIFT: ASIJRUMM
Вакиллик ҳисоб рақамлари: 30111840700000100317

ЎҚҚПдаги иккиламчи ҳисоб рақамлари (ЕВРОда): 20208978800600257008
JSB TRASTBANK SWIFT: TRSAUZ22
Корреспондент Банк: ПАО «Транскапиталбанк»
SWIFT: TJSCRUMM
Вакиллик ҳисоб рақамлари: 30111978800001000080

ЎҚҚПдаги иккиламчи ҳисоб рақамлари (Россия рублда): 20208643400600257002
JSB TRASTBANK SWIFT: TRSAUZ22
Корреспондент Банк: ПАО «Транскапиталбанк»
SWIFT: TJSCRUMM
Вакиллик ҳисоб рақамлари: 30111810900001000080

Корреспондент банк: АО «Азия – Инвест банк»
SWIFT: ASIJRUMM
Вакиллик ҳисоб рақамлари: 30111810400000100317

Фирма бланки ёки бурчак штампи

Оммавий офертага 1-илова

“ЎЗРТХБ” АЖ

Чиқиш № _____

" ____ " _____ 20 ____ й.

АРИЗА-АКЦЕПТ

1. _____,
(таъсис ҳужжатларига ёки давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномага биноан ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатган ҳолда талабгорнинг тўлиқ номи)
номидан _____, асосида ҳаракат қилувчи _____,
(ҳужжат, таъсис шартномаси, устав, низом ва б., ишночнома) (раҳбарнинг Ф.И.О., тўлиқ)

биржа савдоларида: миждоз брокер дилер

КЯС тизимида: миждоз агент

сифатида аккредитациядан ўтказишингизни сўраймиз.

- Ушбу орқали ўзимизни “ЎЗРТХБ” АЖ томоидан кўрсатиладиган хизматлар тақдим этилиши ҳақидаги шартномани имзолаган деб ҳисоблаймиз.
- Шунингдек биржа хизматлари кўрсатиш бўйича “ЎЗРТХБ” АЖ тарифлар шкаласи ҳажмига розилик билдирамиз.
- ВМнинг 02.08.2016 йилдаги 249-сон қарори талабларини тўлиқ ва ўз вақтида бажариш мажбуриятини зиммамизга оламиз.
- “ЎЗРТХБ” АЖда ҳисоб-китоб клиринг операцияларини ўтказиш қоидалари, Биржа савдоси қоидалари, Электрон кўرғазма-ярмарка савдоси қоидаларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилганимизни маълум қиламиз.

БИЗНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИМИЗ

1. Юридик Манзил: _____
Почта манзили _____
Электрон почта _____
Хизмат телефони рақами: (+_____) _____
Уяли телефон рақами: (+_____) _____
2. СТИР _____ КТУТ коди _____ ИФУТ коди _____
Банк: _____
х/р _____ МФО _____

“ЎЗРТХБ” АЖнинг ФИР ID _____, № _____ бўйича ҳисобида йиғилган маблағлар билан операцияларни амалга оширишда мажбурий бўлган имзолар ва муҳр намуналарини билдирамиз.

Лавозим	Ф.И.О.	Имзо намунаси
(биринчи имзо)		
(иккинчи имзо)		

Ваколатларни ва имзоларни тасдиқлаб берган ташкилотнинг имзоси ва муҳри учун жой

Муҳр изининг намунаси

Раҳбар _____
Бош бухгалтер _____

Муҳир изи учун жой

“ ___ ” _____ 20 __ й.

1. «X» белгиси билан белгиланади

2. Тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун аризачи жавобгар ҳисобланади

ҲККП белгилари: №ФИР, ID _____

Чикиш № _____

" ____ " _____ 20 ____ й.

НОРЕЗИДЕНТЛАР УЧУН АРИЗА-АКЦЕПТ

1. _____,
(таъсис ҳужжатлари ёки давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномага биноан ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатган ҳолда талабгорнинг тўлиқ номи) номидан _____,
(ҳужжат, таъсис шартномаси, устав, низом ва б., ишончнома)
асосида ҳаракат қилувчи _____ (раҳбарнинг тўлиқ Ф.И.О.)

биржа савдоларида

КЯС тизимида

аккредитациядан ўтказишингизни сўраймиз.

- 2. Ушбу орқали ўзимизни “ЎзРТХБ” АЖ томоидан кўрсатиладиган хизматлар тақдим этилиши ҳақидаги шартномани имзолаган деб ҳисоблаймиз.
- 3. Шунингдек биржа хизматлари кўрсатиш бўйича “ЎзРТХБ” АЖ тарифлар шкаласи ҳажмига розилик билдираимиз.
- 4. ВМнинг 02.08.2016 йилдаги 249-сон қарори талабларини тўлиқ ва ўз вақтида бажариш мажбуриятини зиммамизга оламиз.
- 5. “ЎзРТХБ” АЖда ҳисоб-китоб клиринг операцияларини ўтказиш қодалари, Биржа савдоси қодалари, Электрон кўرғазма-ярмарка савдоси қодаларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилганимизни маълум қиламиз.

БИЗНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИМИЗ

1. Юридик Манзил: _____
Почта манзили _____
Электрон почта _____
Хизмат телефони рақами: (+_____) _____
Уяли телефон рақами: (+_____) _____

2. СТИР/ёки Норезидент учун унинг ўрнини босувчи рақам _____ Юрисдикция _____
Банк: _____
х/р _____ СВИФТ _____
Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома/ Рўйхатдан ўтганлиги ҳужжат номи ва рақами: _____
Серия, рақам _____ Ҳужжат берилган сана _____
Руйхатга олувчи орган _____

“ЎзРТХБ” АЖнинг ФИР ID _____, № _____ бўйича ҳисобида йиғилган маблағлар билан операцияларни амалга оширишда мажбурий бўлган имзолар ва муҳр намуналарини билдираимиз.

Лавозим	Ф.И.О.	Имзо намунаси
____(биринчи имзо)		
____(иккинчи имзо)		

Ваколатларни ва имзоларни тасдиқлаб берган ташкилотнинг имзоси ва муҳри учун жой

Муҳр изининг намунаси

Раҳбар _____
Бош бухгалтер _____
“ ____ ” _____ 20 ____ й.

Муҳир изи учун жой

1. «Х» белгиси билан белгиланади

2. Тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун аризачи жавобгар ҳисобланади ҲККП белгилари: №ФИР, ID _____

**«ЎЗРТХБ» АЖ БИРЖА БИТИМЛАРИ БЎЙИЧА
ҲИСОБ-КИТОБ КЛИРИНГ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА
РЕГЛАМЕНТ**

I. Умумий қоидалар

II. ҲККП ва клиринг иштирокчиларининг клиринг хизмат кўрсатиш жараёнидаги ўзаро муносабатларининг хусусиятлари

III. Амалиёт кунининг жадвали

Иловалар:

1-сон «Малъумотларни қоғоз шаклида олиш учун сўров»;

2-сон «ҲККПдаги шахсий ҳисоб варағидан пул маблағларини қайтариш учун топшириқ».

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур «ЎзРТХБ» АЖ биржа битимлари бўйича ҳисоб-клиринг хизмати кўрсатиш бўйича регламент (бундан буён - Регламент) ҲККП амалиёт кунининг жадвалини белгилайди, биржа битимлари бўйича клиринг хизмат кўрсатиш жараёнида ҲККП ва клиринг иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари хусусиятларини аниқлайди, клиринг иштирокчилари томонидан Биржага тақдим этиладиган ҳужжатлар намуналарини ва уларга бўлган талабларни белгилаб беради.

2. Мазкур Регламентда фойдаланиладиган атамалар ва таърифлар «ЎзРТХБ» АЖда ҳисоб-китоб клиринг операцияларини ўтказиш қоидалари (бундан буён – Қоидалар) билан белгиланган маъноларда қўлланилади.

II. Клиринг хизмат кўрсатиш жараёнида ҲККП ва клиринг иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари хусусиятлари

3. ҲККПга тақдим қилинадиган ҳужжатлар, шу жумладан хатлар, раҳбар ёки клиринг иштирокчиси имзоси ҳуқуқига эга бўлган ваколатли шахсининг имзоси (ўз фаолиятини думалоқ муҳрга эга бўлмаган юридик шахс деҳқон хўжаликлари, хусусий тадбиркорлар маълумотсиз амалга оширувчи) ёки унинг ваколатли шахсининг (ишончнома илова қилган ҳолда) билан тасдиқланадиган фирма бланки ёки бурчак штампда муҳри илова қилган ҳолда расмийлаштирилади.

Филиал ҲККП масъул ходими унга бериладиган ҳужжатда мазкур клиринг иштирокчиси муҳрининг изи ва имзоларининг намуналарини мазкур клиринг иштирокчисининг имзолари ва муҳрининг изи билан таққослайди. Имзолар ва/ёки ҳужжатлардаги муҳрларда тафовутлар аниқланган тақдирда, ҳужжат қабул қилинмайди. Ҳужжатларда хатоларни тузатилишига йўл қўйилмайди.

4. Пул маблағларини бошқариш ва битимлар юзасидан топшириқларни бериш, клиринг иштирокчилари томонидан миждознинг шахсий кабинети орқали ЭРИ ёпиқ калити билан тасдиқланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

5. Брокернинг клиринг тизимида миждозга тааллуқли ахборотлар ва ҳисоботларни, шунингдек, ҳисоб-фактураларни олиш ваколати, бир нусхаси ҲККПга топширилган топшириқ (комиссия) шартномасида кўрсатилган бўлиши керак..

6. Клиринг иштирокчиси - миждоз, клиринг иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлардан ташқари, бошқа ҳужжатларни ҲККПга шахсан ўзи ёки ўзининг брокери орқали топширади ёхуд почта орқали юборади.

7. ҲККП томонидан тақдим этиладиган ҳар қандай ҳужжатлар ва маълумотлар клиринг иштирокчиси томонидан қоғоз шаклида ёки электрон ҳужжат шаклида (ҳисоб-фактуралардан ташқари) олиши мумкин. Қоғоз шаклидаги ҳужжатлар Биржанинг марказий аппаратида ва/ёки Биржа филиалларида трейдерларга уларга тегишли ячейкаларга, ушбу Регламентда белгиланган муддатларда тақдим этилади.

8. Биржа аъзолари ва уларнинг миждозларига тегишли бўлган барча зарурий маълумотлар электрон кўринишда тақдим этилади ва ҲККП томонидан электрон почталар манзилларига ёки шахсий кабинетлар орқали юборилади.

9. Қоғоз шаклидаги маълумотларни олиш учун клиринг иштирокчиси 1-илова шакли бўйича маълумот олиш учун сўров юбориши керак. Маълумот ҲККП томонидан сўров қабул қилинган даврдан бошлаб уч иш куни мобайнида тақдим қилинади.

[\(9-банд “ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2020 йил 23 апрельдаги 47-сонли байонномаси таҳририда\)](#)

10. ҲККП ва миждозлар, шунингдек биржа аъзолари ўртасида ахборот алмашинуви клиринг иштирокчиларининг шахсий кабинетлари орқали амалга оширилади.

11. Клиринг иштирокчиси пул маблағларини гаров сифатида ва/ёки битимлар бўйича мажбуриятларни бажариш учун ҲККПнинг Биржага хизмат кўрсатувчи банкидаги иккиламчи ҳисоб рақамларига уларни шахсий ҳисоб варағига кирим қилиш учун ўтказиб беради.

12. Гаров миқдори Биржа савдолари қоидалари билан белгиланади.

13. «Т» санасида пул маблағларидан фойдаланиш учун, клиринг иштирокчиси уларни, Ўзбекистон Республикасидаги банклар учун амалиёт кун яқунланадиган кундан кечиктирмасдан ҲҚКП иккиламчи ҳисоб рақамига ўтказиб бериши керак.

14. Пул маблағлари ҲҚКП иккиламчи ҳисоб рақамига ўтказиб бериш учун тўлов топшириғининг “Тўлов мақсади” устуни қуйидаги маълумотлардан иборат бўлиши керак:

Гаров ўтказилганда – клиринг иштирокчисининг ФИР ва ушбу пул маблағлари гаров сифатида ўтказилаётганлигини кўрсатиш;

сумма битим бўйича мажбуриятларни бажариш учун ўтказилганда - клиринг иштирокчисининг ФИР, битим рақами ва товарнинг номи.

Тўлов топшириғининг қолган барча устунлари банк қоидалари билан белгиланган тартибда тўлдирилади.

15. Пул маблағлари ҲҚКП иккиламчи ҳисобига “Тўлов мақсади” устуни нотўғри тўлдирилганда ёки тўлиқ тўлдирилмаган ҳолларда, тегишли пул маблағлари бўйича амалларни қўлда бажариш лозим бўлади.

16. Пул маблағлари ҲҚКП иккиламчи ҳисоб рақамига “Тўлов мақсади” устуни нотўғри тўлдирилган ёки тўлиқ тўлдирилмаган ҳолда келиб тушган ҳолларда, ҲҚКП томонидан амални қўлда бажаришга, тўлов мақсади бўйича клиринг иштирокчисини аниқ топиш мумкин бўлганда йўл қўйилади. Бундай ҳолатда пул маблағлари унинг ҳисоб варағига кириш қилинади.

17. Қоидаларнинг 69-бандига мувофиқ, клиринг иштирокчисининг шахсий ҳисоб варағидаги эркин пул маблағлари билан операциялар унинг ёзма топшириғи ёки клиринг иштирокчиси томонидан шахсий кабинет орқали тузилган топшириқ бўйича амалга оширилади. Клиринг иштирокчисининг ёзма топшириқлари мазкур Регламентнинг 3-банди талабларига мос келиши керак.

Пул маблағларини миқдорнинг шахсий кабинети орқали ЭРИ ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда бир брокерлик идорасидан бошқа брокерлик идорасига ўтказиш учун топшириқлар қоғоз ташувчисисидаги топшириқларга тенглаштирилади.

18. Клиринг иштирокчисининг шахсий ҳисоб варағига товар учун тўлов ва/ёки жарима сифатида келиб тушган пул маблағларини, ҲҚКП мустақил равишда, топшириқсиз бир банк куни ичида клиринг иштирокчисининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

19. Клиринг иштирокчиси ҲҚКПга ўзининг шахсий ҳисоб варағидан ўзининг банкдаги ҳисоб рақамига (2-иловада келтирилган шакл бўйича) эркин пул маблағларини ҳисобдан чиқариш учун топшириқ беришга ҳақлидир. Ҳисобдан чиқариш топшириғида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

клиринг иштирокчисининг тўлиқ номи ва ФИР;

қайтариб олинаётган пул маблағларининг суммаси (рақамларда ва сўз билан);

ҳисобдан чиқариш амалга ошириладиган ҳисоб рақамнинг банк реквизитлари;

пул маблағлари ечиб олиниши лозим бўлган ҲҚКП иккиламчи ҳисобининг рақами;

топшириқ тузилган сана.

Миқдорнинг шахсий кабинети орқали ЭРИ ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда пул маблағларини қайтариб олиш учун топшириқлар қоғоз ташувчисисидаги топшириқларга тенглаштирилади.

20. ҲҚКП юқорида қайд этиб ўтилган топшириқларни Клиринг иштирокчисининг шахсий ҳисобидаги эркин пул маблағлари миқдорида бажаради.

21. Топшириқ ушбу Регламент талабларига мувофиқ берилган бўлса, ҲҚКП томонидан шахсий ҳисоб варағидаги пул маблағларини чиқариш ҳақидаги топшириқ бир иш куни ичида бажарилади.

22. ҲҚКПга тақдим этиладиган барча ҳужжатлар, шу жумладан хатлар, мазкур Регламент билан белгиланган талабларга мос келиши керак. Ҳужжатлар мазкур Регламент ва Қоидаларда кўрсатилган муддатларда тақдим қилиниши керак.

23. Хужжатларни Биржа филиалларининг масъул ходимларига ва савдо майдончаларининг регистраторларига тақдим қилиш уларни Биржа марказий аппарати ҲҚКПга тақдим этиш билан баравар ҳисобланади.

24. Биржанинг филиалларининг масъул ходимлари ва савдо майдончалари регистраторлари тақдим қилинадиган хужжатларни батафсил текшириб чиқишлари керак. Хужжат мазкур Регламент ва Қоидалар билан белгиланган талабларнинг биттасига бўлса ҳам мос келмаган тақдирда, ушбу хужжат кўриб чиқилмайди.

25. Хужжат барча талабларга мос келган тақдирда, Биржанинг филиалларидаги масъул ходимлари ва савдо майдончалари регистраторлари, уларни имзолаш ва уларга муҳр қўйиш йўли билан қабул қиладилар ва тасдиқлайдилар. Шундан сўнг, худди шу кун давомида филиаллар масъул ходимлари ва савдо майдончалари регистраторлари реестр тузадилар ва уларни олинган хужжатларнинг сканерланган нусхалари билан бирга юборадилар.

26. Биржа марказий аппарати ҲҚКП, филиалларининг ходимлари ва савдо майдончаларининг регистраторлари, улар томонидан тасдиқланган хужжатлар учун жавобгар ҳисобланадилар.

27. Қабул қилинган мурожаатларни ҲҚКП томонидан бажариш муддатлари:

Клиринг иштирокчисини рўйхатдан ўтказиш – хужжатлар олинган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида;

Пул маблағларини қайтариш учун топшириқлар - хужжатлар олинган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида;

Бошқа топшириқларни бажариш - мазкур Регламент ва Қоидалар билан белгиланган муддатлар ичида.

III. ҲҚКП амалиёт кунининг жадвали

28. ҲҚКПда операцияларни ўтказиш вақти:

№	Бошланиши	Тугаши	Операция
1	09:00	09:10	Клиринг тизимига старт
2	09:10	09:45	Маклериатдан ёзма мурожаатларни ва Арбитраж комиссияси қарорларини олиш
3	09:10	10:00	Аввалги амалиёт кунини ёпиш ва янгисини очиш. Клиринг иштирокчиси мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш. Битимларни ёпиш.
4	10:00	11:00	Тўлови амалга оширилган битимлар реестрини тузиш ва уни Клиринг иштирокчилари вакиллари ва филиалларга юбориш. Клиринг иштирокчиларига битимлар ва клиринг иштирокчиларининг ҳисоб варақлари ҳолати бўйича маълумотларни тақдим этиш.
5	10:00	18:00	Маълумотларни банкдан интернет банкинг тизими бўйича юклаш. Хужжатларни клиринг иштирокчисидан қабул қилиб олиш. Клиринг тизимига етказиб беришлар ва битим ижроси билан боғлиқ бошқа маълумотларни юклаш.
6	10:00	15:30	Етказиб берилган товарлар бўйича юк хатлари реестрларини юклаш, ижро этилган битимлар бўйича етказиб берувчиларга пул маблағларини ўтказиш.
7	10:00	16:00	Клиринг иштирокчиларининг топшириқларини бажариш.

8	09:00	10:00	Клиринг иштирокчилари мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш. Битимларни ёпиш.
9	11:45	12:00	Мэтчинг
10	12:00	13:00	Тузилган битимлар реестрини юклаш. Клирингни амалга ошириш, клиринг иштирокчилари мажбуриятларини аниқлаш, ҳисобга олиш ва закат пулларини блоклаш. Биржа хизматлари учун йиғимларни ҳисобдан чиқариш.
11	16:00	17:00	Биржа ва филиаллар офисларида клиринг иштирокчиларига ҳужжатлар тақдим қилиш. Клиринг иштирокчилари вакилларига битимлар ва Клиринг иштирокчиларининг шахсий ҳисобварақлари ҳолати тўғрисида маълумотлар тақдим қилиш.
12	16:45	17:00	Мэтчинг
13	17:00	18:00	Тузилган битимлар реестрини юклаш. Клирингни амалга ошириш, клиринг иштирокчилари мажбуриятларини аниқлаш, ҳисобга олиш ва закат пулларини блоклаш. Биржа хизматлари учун йиғимларни ҳисобдан чиқариш.

29. Биржа Бошқаруви Раисининг қарорига кўра, мазкур Регламент билан белгиланган операцияларни ўтказишнинг бошқа вақти белгиланиши мумкин, клиринг иштирокчилари эса бу ҳақида Қоидалар билан белгиланган тартибда хабардор қилинадилар.

30. Савдо тизими ёки клиринг тизими дастурий таъминоти ишламай қолганда, операцияларни ўтказиш учун кўрсатилган вақт клиринг иштирокчиларини хабардор қилмаган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

(Клиринг Иштирокчисининг бланкида)

Чиқиш № _____ “ _____ ” _____ 20 ____ й.

«ЎзРТХБ» АЖ ҲҚКП

Қоғоз шаклидаги маълумотларни олиш учун сўровнома

Сиздан _____

(Клиринг иштирокчисининг тўлиқ номи, клиринг иштирокчисининг ФИР
«ЎзРТХБ» АЖ Ҳисоб-китоб клиринг хизмати кўрсатиш Регламентига мувофиқ қуйидаги
маълумотларни қоғоз шаклида тақдим этишингизни сўраймиз:

Қайси давр (ёки сана) учун маълумот сўралмоқда _____

Сўралаётган маълумотларнинг рўйхати: _____

_____/ _____/
(Клиринг иштирокчиси раҳбарининг ФИО) *(имзо)*

Мў

_____/ _____/
(Клиринг иштирокчиси бош бухгалтерсининг ФИО) *(имзо)*

Регламентга 2-илова

(Клиринг Иштирокчисининг бланкида)

Чик. № _____ “ _____ ” _____ 20 ____ й.

«ЎЗРТХБ» АЖ ҲҚКП

ҲҚКП ШАҲСИЙ ҲИСОБВАРАҒИДАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ
ҚАЙТАРИБ ОЛИШ УЧУН
ТОПШИРИҚ

_____ дан
(Клиринг иштирокчисининг тўлиқ номи)
Клиринг иштирокчисининг ФИР: _____

Бизнинг № _____ рақамли ҲҚКП
иккиламчи ҳисобидаги шахсий ҳисоб варағимиздан _____
(_____) сўм миқдоридаги
(рақам билан, ҳарфлар билан)
бўш пул маблағларини бизнинг бизнинг ҳисоб
рақамимизга _____
(банк реквизитлари: ҳисоб/р, МФО, банк номи)
ўтказиб беришингизни сўрайман

_____/_____
(Клиринг иштирокчиси раҳбарининг ФИО) (имзо)

МЎ

_____/_____
(Клиринг иштирокчиси бош бухгалтерсининг ФИО) (имзо)

ЎзРТХБ» АЖда биржа битимлари бўйича электрон рақамли имзодан фойдаланиш ТАРТИБИ

Мазкур «ЎзРТХБ» АЖда биржа битимлари бўйича электрон рақамли имзодан фойдаланиш тартиби (бундан буён – Тартиб) «ЎзРТХБ» АЖда ҳисоб-китоб клиринг операцияларини ўтказиш қоидаларининг иловаси саналади («ЎзРТХБ» АЖ Бошарувининг 11.05.2015 йилдаги 75-сонли баённомаси билан тасдиқланган), ва Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат алмашинуви тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.09.2005 йилдаги “Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида”ги 215-сонли қарорига, Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат хокимияти органлари ва тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган барча турдаги хизматларда электрон рақамли имзодан фойдаланиш қоидаларига (ЎзР АВ 13.11.2015й. рўй.№2727) мувофиқ ишлаб чиқилди ва «ЎзРТХБ» АЖ биржа савдоларидаги клиринг иштирокчилар томонидан электрон рақамли имзодан фойдаланиш тартибини белгилаб беради.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи, ЎзР Давлат Солиқ Қўмитаси қошидаги Илмий-ахборот янги технологиялар маркази (бундан буён Рўйхатдан ўтказиш маркази) томонидан ЭРИ сертификатига – “ёпиқ калит”га эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар, «ЎзРТХБ» АЖ Ҳисоб-клиринг палатаси томонидан кўрсатиладиган биржа битимлари бўйича барча янги турдаги хизматлардан эркин ифойдаланишлари мумкин.

2. Мазкур Тартиб мақсадларида қуйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилади:

Электрон ҳужжат — ЭРИ билан тасдиқланган, бошқа электрон ҳужжат реквизитларига эга бўлган, уни идентификациялаш имконини берувчи, электрон шаклда қайд этилган маълумотлар;

Электрон топшириқ – ҲҚКП электрон хизматларни тақдим қилиш учун электрон ҳужжат кўринишида юбориладиган сўровнома;

Электрон хизмат – шахсий кабинет орқали фойдаланувчининг электрон топшириғи бўйича ҲҚКП томонидан кўрсатиладиган хизматлар мажмуаси;

- фойдаланувчи – ЭРИ дан фойдаланиб шахсий кабинет орқали электрон сўровномани амалга оширувчи шахс.

2-боб. ЭРИ ёпиқ калитидан фойдаланиш

3. Биржа савдоларида ЭРИ ёпиқ калитларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

а) “ЎзРТХБ” АЖда юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи резидентларни – юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш учун;

б) ҳисоб-клиринг хизматларидан фойдаланилганда электрон топшириқ шакллантирилганда ва жўнатилганда;

в) клиринг иштирокчиларига, шахсий кабинет орқали, электрон ҳужжат кўринишидаги тўланган битимлар реестрини тақдим этиш учун;

г) клиринг иштирокчиларига шахсий кабинет орқали, электрон ҳужжат кўринишидаги ундирилган воситачилик йиғимлар бўйича ҳисоб-фактураларни тақдим этиш учун;

д) низо юзага келган тақдирда Арбитраж комиссиясига биржа битимлари бўйича аризалар тақдим қилиш учун.

4. Электрон хизмат фойдаланувчига фақат ЭРИ ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда электрон топшириқни шаклантирилганда кўрсатилади.

5. Шахсий кабинетдаги “электрон топшириқлар” функцияси клиринг иштирокчиси томонидан ЭРИ ёпиқ калитидан фойдаланиш шарти билан фаол бўлади.

3-боб. Электрон топшириқларнинг турлари, улардан фойдаланиш тартиби ва жавобгарлиги

6. Биржа битимлари бўйича ҳисоб-клиринг хизматлари кўрсатиш бўйича электрон топшириқлар ҳисобдан чиқариш учун электрон топшириқлар ва бошқа электрон топшириқларга ажратилади.

7. Ҳисобдан чиқариш учун электрон топшириқлар қуйидаги топшириқларни ўз ичига олади:

а) клиринг иштирокчисининг ФИРдан унга хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисоб рақамига эркин пул маблағларини қайтариш учун;

б) биржа битимни тўлаш учун;

в) биржа битимини навбатдан ташқари тўлов реестрига чиқариш учун;

г) клиринг иштирокчисига бир брокерлик идорасидан бошқа брокерлик идорасига эркин пул маблағларини ўтказиш учун.

8. Бошқа электрон топшириқлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) клиринг иштирокчисининг брокерга товарни харид қилиш бўйича электрон топшириқ;

б) клиринг иштирокчиси банк реквизитларини ўзгартириш;

в) биржа битимлари бўйича муддатларни узайтириш;

г) биржа битимини ёпиш;

д) битимларни бекор қилиш.

9. Биржа савдолари вақтида соат 10-00 дан 12-00гача, 15-00 дан 17-00 гача пул маблағларининг ҳаракати бўйича электрон топшириқлар тўхтатиб турилади.

10. Бошқа электрон топшириқларни узатиш вақти чегараланмаган.

Бунда муддатларни узайтириш, битимларни ёпиш ва бекор қилиш операциялари электрон топшириқлар битимнинг иккала томонидан олинган ҳолда амалга оширилади.

11. ЭРИ ёпиқ калитини учинчи шахсларга бериш сабаби туфайли юзага келиши мумкин бўлган зарарлар учун ёпиқ калит ЭРИ эгаси жавобгар ҳисобланади.

4-боб. ЭРИ ва Биржа ёпиқ калити эгасининг мажбуриятлари

12. ЭРИ ёпиқ калити эгасига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

а) ЭРИ ёпиқ калитидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаш;

б) ЭРИ ёпиқ калитидан фойдаланиш тартиби бузилганда ёки бузилиши мумкин бўлган ҳолатларда Рўйхатга олиш марказига хабар бериш ва ЭРИ ёпиқ калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришни ёки уни бекор қилишни талаб қилиш;

в) ҲҚКП ва рўйхатдан ўтказувчи Биржани ўзи вакил саналган юридик шахснинг тугатилганлиги ёки қайта ташкил этилганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш.

13. Биржанинг мажбуриятлари:

а) клиринг иштирокчисининг олинган электрон топшириқлари бўйича электрон хизматларини кўрсатишни таъминлаш;

б) Фойдаланувчига зарур бўлган ҳолларда, шакллантирилган электрон топшириқни шахсий кабинетдан чоп этиш имкониятини яратиш.

5-боб. Ахборот хавфсизлиги ва маълумотларни сақлаш

14. ЭРИ ёпиқ калитининг ҳақиқийлигини идентификация қилиш ва амал қилиш муддатини текшириш Биржа ва Рўйхатга олиш марказлари маълумотлар базаси ўртасида ахборот алмашинуви орқали амалга оширилади;

15. Электрон топшириқ, унинг шакллантирилган ва жўнатилган санаси, шунингдек, кўрсатилган электрон хизмат вақти ва саналари электрон баённомада қайд этилади.

16. Электрон топшириқ ва кўрсатилган электрон хизматлар тўғрисидаги маълумотлар Биржада 5 йил давомида сақланади.

6-боб. Низоларни ҳал қилиш

17. Электрон рақамли имзодан фойдаланиш бўйича юзага келган низолар қонунчиликда ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7-боб. ЭРИ бўйича қонунчиликнинг бузилганлиги учун жавобгарлик

18. Электрон рақамли имзо бўйича қонунчиликни бузишда айбдор шахслар ўрнатилган тартибда жавобгардирлар.